

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

46-47-сон
(1066-1067)
2022 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkazilgan норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

429. «Киберспорт турларини янада ривожлантириш ва кенг оммалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 ноябрдаги ПҚ-423-сон қарори
430. «Қурилиш лойиҳаларини амалга оширишда назорат механизmlарини такомиллаштириш, жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 ноябрдаги ПҚ-425-сон қарори
431. «Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 ноябрдаги ПҚ-427-сон қарори
432. «Иқтисодиёт тармоқларида биржа механизmlаридан фойдаланишини кенгайтириш ҳамда биржа савдоларини тартибга солиш тизимини та-

комиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 ноябрдаги ПҚ-430-сон қарори

Учинчи бўлим

433. «Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиши тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сон қарори
434. «Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий обьектларга етказилган заарни хисоблаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 ноябрдаги 666-сон қарори
435. «Статистика маълумотларини тақдим этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурӣ регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 ноябрдаги 672-сон қарори

Бешинчи бўлим

436. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 10 ноябрдаги 18-сон «Шаҳар ўйловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳукуқини берувчи ягона гувохномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2434-2*)
437. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 11 ноябрдаги 26-сон ва Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 3 ноябрдаги 59-ққ-сон «Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1737-2*)

438. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 22 ноябрдаги 25-мҳ-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқка ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-7*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

429 Киберспорт турларини янада ривожлантириш ва кенг оммалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Республикада киберспортни хавфсиз ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича экотизим яратиш, мусобақалар ва турнирларни тизимли равишида ўтказиш орқали иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал киберспортга йўналтириш, ахборот технологиялари ва IT-индустрия учун салоҳиятли кадрларни тайёрлаш ва уларни соҳага жалб қилиш ишларини янада кенгайтириш мақсадида:

1. Республикада киберспорт расман алоҳида спорт тури сифатида эътироф этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар киберспорт турларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

киберспорт турлари бўйича профессионал спортчилар (киберспортчилар) ва тренерлар, малакали ҳакамлар ва шарҳловчилар ҳамда бошқа мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш тизимини жорий қилиш;

киберспорт турлари бўйича республика ва халқаро чемпионатлар ва турнирлар ташкил этиш, шунингдек, нуфузли халқаро ва минтақавий мусобақаларда муносаб иштирок этиш;

киберспорт турлари бўйича илмий ва ўқув-услубий қўлланмалар ва адабиётлар ишлаб чиқиши ҳамда нашр этиш;

киберспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва кенгайтириш, соҳага тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилиши рафбатлантириш;

киберспорт турларига нисбатан ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.

3. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги республикада киберспорт турларини ривожлантириш ва кенг оммалаштиришга масъул ваколатли давлат органлари этиб белгилансин.

Бунда, уларнинг вазифалари қўйидагича белгилансин:

Спортни ривожлантириш вазирлиги — киберспортни расмий спорт тури сифатида тарғиб қилиш, у бўйича маҳаллий ва халқаро чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларни ташкил этиш, жаҳон киберспорт майдонида Ўзбекистоннинг мавкеини яхшилаш бўйича чораларни кўриш;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

лиги — компьютер ўйинлари саноати бўйича маҳаллий ва хорижий компанияларга зарур шарт-шароитлар яратиш, республика миқёсида киберспорт чемпионатлари, турнирлари ва бошқа мусобақаларни ташкил этишга кўмаклашиш;

Ёшлар ишлари агентлиги — ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида киберспорт турларига ёшларни, шу жумладан жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган ёшларни кенг жалб қилиш ва уларнинг ушбу йўналишдаги ютуқларини қўшимча рағбатлантириш, киберспорт бўйича халқаро чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларда маҳаллий киберспорчилар иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

4. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг 2023 йилдан бошлаб анъанавий тарзда киберспорт турлари бўйича:

хар йили апрель ойида «Uzbekistan Esports Championship» республика чемпионатини;

хар йили декабрь ойида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги» турнирини;

хар йили июнь ойида «Ёшлар кубоги» турнирини ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Белгилансинки:

а) «Uzbekistan Esports Championship» республика чемпионати, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги» ва «Ёшлар кубоги» турнирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги ПҚ-201-сон қарорида белгиланган талабларга мувофиқ уч босқичда ташкил этилади. Бунда, туман (шаҳар) ва вилоят босқичлари онлайн тарзда ўтказилади;

б) «Uzbekistan Esports Championship» республика чемпионати 2024 йил 1 январдан бошлаб, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги» турнири эса 2023 йил 1 январдан бошлаб спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасига киритилади;

в) «Uzbekistan Esports Championship» республика чемпионати, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги» ва «Ёшлар кубоги» турнирлари, шунингдек, киберспорт турлари бўйича бошқа чемпионатлар, турнирлар ва мусобақаларни ўтказиш бўйича маҳсус портални (кейинги ўринларда — Портал) яратиш ва молиялаштириш ҳамда доимий техник қўллаб-куватлаш Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси (кейинги ўринларда — IT-парк) томонидан амалга оширилади. Бунда, Портални яратиш учун маблағлар IT-паркка Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилади;

г) «Uzbekistan Esports Championship» республика чемпионатини ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар 2023 йилда қўйидаги тартибда амалга оширилади:

чемпионатнинг республика финал босқичини ўтказиш учун — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан IT-паркка бир марталик ажратиладиган 1,5 миллиард сўм маблағлари ҳисобидан;

чемпионатнинг туман (шахар) ва вилоят босқичларини ўтказиш учун — спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг ҳудудий календарь режаси, Ёшлар ишлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасидан тенг улушларда ажратиладиган жами 2 миллиард сўм маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

д) 2024 йилдан бошлаб «Uzbekistan Esports Championship» республика чемпионатини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар ҳисобланади:

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасига мазкур мақсадлар учун Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

худудий «Ёшлар дафтари» жамғармалари маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шахри маҳаллий бюджетлари маблағлари;

жамғармалар, спорт федерация (ассоциация)лари, клублари, хорижий инвесторлар, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Солиқ кодексининг 369-моддаси 1-бандига мувофиқ «Uzbekistan Esports Championship» республика чемпионати, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги» ва «Ёшлар кубоги» турнирлари, шунингдек, киберспорт турлари бўйича чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларда фолиб ҳамда совриндор бўлган киберспортчиларга бирйўла бериладиган пул мукофотлари ва совғалар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмаслиги ва ўз навбатида солиққа тортилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Киберспорт турларини янада ривожлантириш ва кенг оммалаштириш бўйича идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда — Идоралараро кенгаш) ташкил қилинсин ҳамда унинг таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

8. Қўйидагилар Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансан:

мамлакатимизда киберспорт турлари салоҳиятини ўрганиш, ушбу соҳада замонавий стандартларни жорий қилишни ташкил қилиш;

ёшлар ўртасида киберспорт турлари бўйича чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларни (шу жумладан, «Uzbekistan Esports Championship» республика чемпионати, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги» ва «Ёшлар кубоги» турнирлари) ташкил этиш ва оммалаштириш;

киберспорт турлари бўйича чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, шу жумладан улар доирасида ўтказиладиган киберспорт турларини белгилаш;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

киберспорт турлари бўйича чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларни ўтказиш учун харажатлар сметасини тасдиқлаш ва молиялаштириш хажмларини белгилаш;

киберспорт турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоаларининг жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда бошқа халқаро турнирларда иштирокини таъминлаш;

киберспорт турлари бўйича чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларни рафбатлантириш чораларини белгилаш;

киберспортни янада ривожлантириш ва кенг оммалаштириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш.

9. Қўйидагиларни назарда тутувчи Киберспорт турларини янада ривожлантириш ва кенг оммалаштириш чора-тадбирлари дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

киберспорт лигасини ташкил қилиш ва унинг доирасида киберспорт клублари ўртасида тизимли равишда киберспорт лига мусобақаларини ўтказиш;

киберспортни янада ривожлантириш ва кенг оммалаштириш борасида спорт федерация (ассоциация)лари фаолиятини кучайтириш;

киберспортни ривожлантириш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш;

киберспорчиларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган омилларни камайтириш;

киберспортда «ping» муаммолини босқичма-босқич бартараф қилиш;

жаҳон бозорида рақобат қила оладиган киберспорт ўйинларини ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш;

киберспортнинг истиқболлари ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

киберспорт билан шуғулланаётган ёшларда соғлом спорт маданиятини шакллантириш, улар томонидан қонунга хилоф ва ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этилишининг олдини олиш.

10. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб «Спорт фаолияти: киберспорт» бакалавриат таълим йўналишини очиш ҳамда ушбу йўналиш бўйича ўқиш муддатини 3 йил этиб белгилаш;

«Uzbekistan Esports Championship» республика чемпионатида охирги бир йилда ғолиб (1-ўрин) бўлган киберспорчиларни 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг «Спорт фаолияти: киберспорт» бакалавриат таълим йўналишига касбий (ижодий) имтиҳонларни топширишдан озод қилиш ва уларга максимал балл бериш;

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

киберспорт фаолиятини ўзини ўзи банд қилган шахслар шуфулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритиш;

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида киберспорт турлари бўйича тренерлар, шарҳловчилар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

11. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов) Спортни ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, киберспорт бўйича самарали фаолият олиб бораётган спорт федерация (ассоциация)лари ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда миллий киберспорт ўйинларини яратиш ва тарғиб қилиш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институтига 2023 йилда грант ажратсин.

12. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) Спортни ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргалиқда икки ой муддатда Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига (ХАЛИКК-2020) киберспорт тренери, киберспорт ҳаками ва бошқа киберспорт мутахассислари киритилишини таъминласин.

13. Ёшлар ишлари агентлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2023 йил 1 январдан бошлаб:

киберспорт клубларига уларнинг бино ва иншоотлар ижара тўлови харатжатларини қоплаш учун ҳудудий «Ёшлар дафтари» жамғармалари маблағлари ҳисобидан ҳар ойда 3 ой давомида 15 миллион сўмгача пул маблағларини ажратиш;

ажратилаётган маблағларни киберспорт клубларига алоҳида шартлар (киберспортчиларни тайёрлаш, тренер жалб қилиш, мусобақаларда иштирок этиш ва бошқалар) асосида бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ёшлар ишлари агентлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда киберспорт клубларига пул маблағларини ажратиш шартларини белгиласин ва эълон қиласин.

14. Олимпия шаҳарчаси объектларини лойиҳалаш, қурилиш-монтаж, жиҳозлаш ва молиялаштириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гурухининг Тошкент шаҳри, Яшнобод туманида барпо этилаётган Олимпия шаҳарчасида киберспорт турлари бўйича чемпионатлар, турнирлар ва мусобақаларни ўтказиш учун замонавий киберzonани ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Бунда, киберзона, шу жумладан қўйидагилардан иборат бўлиши белгилаб қўйилсин:

чемпионатлар, турнирлар ва мусобақалар ўтказиладиган махсус зал;

мобил киберспорт машғулотлари зали;

сервер ускуналари сақланадиган жой;

ўқув-машғулот маркази;

чемпионатлар, турнирлар ва мусобақаларни тўғридан-тўғри ёритиш, сценаристлар, режиссёrlар, таҳлилчилар ва шарҳловчилар учун студия;

киберспорт маҳсулотлари ва товарларини реклама ҳамда реализация қилиш шохобчаси.

Белгилансинки, киберзона фаолиятини ташкил қилиш билан боғлик харжатлар Олимпия шаҳарчаси объектларини лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишлари учун белгиланган манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Олимпия шаҳарчаси объектларини лойиҳалаш, қурилиш-монтаж, жиҳозлаш ва молиялаштириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гурухи (А. Арипов) киберзонанинг лойиҳа-смета хужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши ҳамда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин, шунингдек, лойиҳа объектлари ўз вақтида ва сифатли қурилиши устидан назорат ўрнатсин.

15. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги:

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2023-2024 йилларда замонавий киберспорт ареналарини ташкил қилиш, уларни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, киберспорт турлари бўйича халқаро турнирларни ўтказиш учун халқаро ташкилотлар грантлари, техник кўмак ва бошқа ташқи бефарауз кўмак маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсинг;

«Uzbekistan Esports Championship» республика чемпионати, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги» ва «Ёшлар кубоги» турнирларининг саралаш босқичлари ўтказилишини таъминласин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хокимликлари Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда киберспорт бўйича самарали фаолият олиб бораётган спорт федерация (ассоциация)лари билан биргаликда икки ой муддатда ҳар бир худуднинг битта тумани (шаҳри)да киберспортнинг камидаги иккита турини оммалаштириш бўйича «йўл хариталари»ни тасдиқласин. Бунда, 2023 йилдан бошлаб худудларда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилсин:

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг худудий календарь режаларига киберспорт турлари бўйича мусобақаларни киритиш ҳамда тизимли равишда худудий спорт мусобақаларини ўтказиш, шу жумладан ҳар йили бир маротаба «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси кубоги» ва «Ҳоким кубоги» турнирларини ташкил қилиш;

киберспорт бўйича тизимли равишда худудий спорт мусобақаларини ўтказиш учун маҳаллий бюджетлар маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрияларини жалб қилиш;

мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларни пул мукофотлари, диплом, медаль, кубок ва бошқа совғалар билан тақдирлаш;

киберспорт бўйича худудий спорт федерация (ассоциация)ларини ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш, мавжуд спорт федерация (ассоциация)лари худудий бўлинмаларининг фаолиятини кенгайтиришга қўмаклашиш.

17. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) бир ой муддатда киберспорт турларига нисбатан ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга қаратилган мақолалар эълон қилиш, тематик телекўрсатувлар намойиш этиш бўйича медиа-режа қабул қиласин.

18. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири А.И. Икрамов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 16 ноябрь,
ПҚ-423-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

430 Курилиш лойиҳаларини амалга оширишда назорат меҳанизмларини такомиллаштириш, жараённинг очиқлиги ва шаффоғлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш устидан давлат ва жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, очиқлик ва шаффоғликни таъминлаш мақсадида:

1. 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган дастурларга (кейинги ўринларда — Даструрлар) киритилган лойиҳалар, шунингдек, ташабbusли бюджетлаштириш жараёнлари асосида молиялаштириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳалар (кейинги ўринларда — Лойиҳалар) доирасида:

объектларнинг бош лойиҳа-қидирав ва бош қурилиш-пудрат ташкилотлари Қурилиш вазирлигининг «Шаффоғ қурилиш» миллий ахборот тизимида инсон омилисиз ўтказиладиган электрон тендер (танлов) савдолари орқали аниқланиши таъминлансан;

«Шаффоғ қурилиш» миллий ахборот тизимида ўтказилган тендер (танлов) савдолари якуни, шунингдек, қонунчилик хужжатларига мувофиқ тўғридан-тўғри музокаралар бўйича буюртмачи билан лойиҳа-қидирав ва қурилиш-пудрат ташкилотлари ўртасидаги лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва пудрат ишларини бажариш тўғрисидаги шартномалар мазкур тизимда электрон рақамли имзо орқали тузилсан ҳамда рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун Молия вазирлигининг Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимида электрон шаклда юборилсан;

тасдиқланган манзилли рўйхатларга киритилган ҳар бир объект идентификация рақами берилган ҳолда, «Шаффоғ қурилиш» миллий ахборот тизимида киритилсан ҳамда улар бўйича ҳар қандай ўзgartериш ёки қўшимчалар мазкур ахборот тизимида акс эттирилсан;

хавф-хатар тоифасидан қатъи назар, барча объектлар қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун ваколатли органда рўйхатдан ўтказилиши ва назоратга олиниши таъминлансан;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси, маҳалла фаоллари ва ёшлар етакчилари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат ташкилотлари тегишли худудда Даструрлар ва Лойиҳалар доирасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати, сифати ҳамда кўлами устидан жамоатчилик назоратини ўрнатсан, унда аниқланган камчиликлар ҳақи-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 ноябрда эълон қилинган.

да Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) штабларига маълумот тақдим этсин;

«Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида обьектлар бўйича аниқланган бош пудрат ташкилоти томонидан ишлар бажарилганлигини (товарлар етказиб берилганлигини) тасдиқловчи далолатнома унинг мазкур тизимдаги шахсий кабинетида электрон тарзда шакллантирилиб, буюртмачи ташкилот билан электрон тарзда келишилсин. Бунда, буюртмачи томонидан ҳисобварақ-фактуралар Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимига молиялаштириш учун электрон шаклда юборилади;

«Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидағи лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтингида мавжуд бўлган корхоналар, уларнинг рейтингини ҳисоблаш мезонлари кесимидағи баллари, Дастурлар ҳамда Лойиҳалардаги ҳар бир обьектнинг шаҳарсозлик хужжатлари, обьектда бажарилган иш ҳажмлари ва молиялаштирилган маблағлар ҳақидаги маълумотлар тизимда реал вақт режимида жамоатчилик учун очиқ эълон қилинсин.

2. Бош прокуратура (Н. Йўлдошев):

а) Дастурлар ва Лойиҳалар доирасида қуйидаги йўналишларда назоратни кучайтиурсин:

Дастурларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш, обьектларни молиялаштириш ва қурилиш-таъмилаш ишларини олиб бориш тадбирларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-43-сон қарори билан белгиланган талаблар асосида амалга ошириш;

ҳар бир обьект бўйича ер майдони ажратиш, лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш, тендер (танлов) савдоларини ўтказиш ва молиялаштириш тадбирларини қонунчилик хужжатларида белгиланган муддатларда бажариш;

обьектда қурилиш-таъмилаш ишларини амалга оширишда архитектура, шаҳарсозлик ва бошқа қонунчилик хужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

loyiҳa-смета хужжатларида ортиқча иш ҳажмлари кўрсатилиши ва маҳсулотлар нархлари асоссиз оширилган ҳолда киритилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

қурилиши тугалланган обьектларни фойдаланишга топшириш ва қабул қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, ушбу жараёнда ортиқча бюрократияга йўл қўйилмаслик чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Дастур ва Лойиҳалар доирасидаги қурилишлар билан боғлиқ мурожаатларини ўрганиш, уларнинг бузилган хукуқларини тиклаш, қонун бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлаш;

б) ҳар чоракда вилоят, туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қурилиш соҳасида коррупция ва қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот бериб борилишини таъминласин.

3. Ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари доирасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачилар этиб:

ички автомобиль йўллари бўйича — Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидағи буюртмачи ташкилотлар;

ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизими объектлари бўйича — «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниинг компанияси» унитар корхонаси;

электр энергияси ва газ таъминоти объектлари ҳамда алоқа тармоқлари бўйича — тегишинча «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ ва «Ўзбектелеком» АК;

ижтимоий соҳа объектлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари, ободонлаштириш, тунги ёритиш ускуналарини ўрнатиш ишлари ва бошқа объектлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниинг компаниялари ҳамда ушбу объектларни сақлаш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари бўйича — тегишли тармоқ корхоналари белгилансин.

4. Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров):

а) Транспорт вазирлиги (И. Махкамов) ва Боз прокуратура (Н. Йўлдошев) билан биргаликда 2023 йил 1 январга қадар Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси иш услубларини тўлиқ қайта кўриб чиқиб, қурилиш объектларини рўйхатга олишдан бошлаб, фойдаланишга қабул қилишгacha бўлган барча жараёнларни рақамлаштиурсин ҳамда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг вазирлик ва идораларнинг автоматлаштирилган реал вақт режимида ишловчи мониторинг тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин;

б) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А. Бобоев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари билан биргаликда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида 2023 йил 1 январга қадар:

Дастурлар ва Лойиҳаларнинг рўйхатларини юритиш, уларга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчаларни акс эттириш;

бош пудрат ташкилоти томонидан ишлар бажарилганлигини (товарлар етказиб берилганлигини) тасдиқловчи далолатномаларни унинг шахсий кабинетида электрон шаклда расмийлаштириш, буюртмачи билан электрон тарзда келишиш ва буюртмачи томонидан ҳисобварак-фактурани Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимида молиялаштириш учун электрон шаклда юбориш имкониятини яратсин;

в) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда бир ой муддатда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидағи лойиҳа-қидириув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтингида мавжуд бўлган корхоналар ҳамда уларнинг рейтингини ҳисоблаш мезонлари кесимидағи баллари, Дастурлар ва Лойиҳалардаги ҳар бир объектнинг шаҳарсозлик хужжатлари, объектда бажарилган иш ҳажмлари ва молиялаштирилган маб-

лағлар тұғрисидаги маълумотларни тизимда реал вакт режимида жамоатчик үчүн очық әзілон қилинишини таъминлаш чораларини күрсін;

г) иккі ой муддатда қурилиши тугалланған обьектларни қабул қилиш ва фойдаланишга топшириш бүйіча тузиладиган комиссияларнинг таркибини шакллантириш бүйіча таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсін;

д) уч ой муддатда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириладиган обьектларда жамоатчилик назоратини амалга оширишда лойиҳа-қиди्रув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинги ва электрон тендер (танлов) савдолари билан боғлық жараёнларни ҳамда қурилиш обьектларидаги камчиликлар ва қонун бузилиш ҳолатларини акс эттирувчи фото ва видео материалларни юклаш имконини берувчи «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг мобил иловасини яратсін.

5. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) иккі ой муддатда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров) билан биргаликда Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакллантириш тартибини тасдиқласын ҳамда ушбу реестрнинг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласын.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А. Бобоев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашы, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлікleri, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йил 1 апрелга қадар Дастурларга киритиладиган обьектларнинг манзилли рўйхатини «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими орқали шакллантириш имкониятини яратиш бүйіча техник топшириқни ишлаб чиқсан ҳамда келгусида Дастурлар ушбу тизимда шакллантирилишини таъминласын.

7. Ҳисоб палатаси (Б. Турабов) Дастурлар ва Лойиҳалар асосида молиялаштириладиган обьектларга ажратилган маблағларнинг мақсадли ҳамда самарали ишлатилишини назорат қилиб борсын.

8. Бөш прокуратура (Н. Йўлдошев) иккі ой муддатда:

ушбу қарор билан жорий этилаётган тартибининг мазмун-моҳиятини түшунтириш бүйіча масъул вазирлик ва идоралар, лойиҳа-қиди्रув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўқув семинарлари ўтказилишини, улар ўртасида тарғибот ишлари олиб борилишини таъминласын;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсін.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчининг ўринбосари Д.Б. Кадиров зиммасига юклансын.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 17 ноябрь,
ПҚ-425-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**431 Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва
соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга
доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Болаларни соғломлаштириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтка-
зишни ташкил этиш ҳамда саломатлигини тиклашга кўмаклашиш, бу соҳада
фаолият олиб бориш тизимини янги даражага олиб чиқиш мақсадида:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг қўйидаги таклифла-
ри маъқуллансин:

а) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида Болалар
соғломлаштириш ва ахоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғар-
масини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳамда Болаларнинг дам олишини
ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментини (кейинги ўринларда
— Департамент) ташкил этиш;

б) Жамғарма маблағлари ҳисобидан:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидағи болалар соғлом-
лаштириш оромгоҳлари (кейинги ўринларда — оромгоҳ) ва санаторийларни
таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда янги
стационар оромгоҳлар ва санаторийларни куриш;

Бўйтонлик туманидаги Чорвоқ сув омборига туташ худудда йил даво-
мида фаолият кўрсатадиган ҳалқаро болалар соғломлаштириш оромгоҳини
барпо этиш;

ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ху-
дудида фаолият юритаётган оромгоҳларда касаба уюшмалари аъзоларининг
фарзандлари дам олиши ва уларни соғломлаштириш харажатларининг бир
қисмини қоплаш мақсадида ҳар бир йўлланма учун базавий ҳисоблаш миқ-
дорининг 2 баравари, бироқ йўлланма нархининг 50 фоизидан ошмаган миқ-
дорда оромгоҳларга компенсация тўлаш;

Жамғарма ва Департамент ҳамда унинг худудий бўлинмаларининг мод-
дий-техника базасини шакллантириш, биноларни сақлаш, ходимларига ойлик
иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш.

2. Департаментга қўйидаги ваколатлар берилсин:

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча оромгоҳларда болаларнинг
хавфсиз дам олишларини таъминлашга оид қоидалар, жумладан санитария
қоидалари ва меъёрларига риоя этилиши бўйича мониторинг ўрнатиш;

оромгоҳларда болаларнинг хавфсиз дам олишларини таъминлашга оид қоидалар,
жумладан санитария қоидалари ва меъёрлари бузилиши билан боғлиқ хукук-
бузарликлар аниқланган тақдирда, айбдор шахсларга нисбатан тегишли таъсир
чораси қўллаш ҳақида ваколатли мансабдор шахсларга тақдимномалар киритиш.

3. Қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб
белгилансин:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 ноябрда эълон қилинган.

Давлат бюджетидан ажратиладиган мақсадли трансферлар;

Жамғарманинг бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетлари даромадларининг чораклар якунлари бўйича аниқланадиган прогноздан ошириб бажарилган қисмининг 10 фоизи;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб:

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогноздан ошириб бажарилган қисмининг 10 фоизи ҳар чоракда Жамғармага йўналтирилади;

давлат органлари ва ташкилотлари жамоа шартномаларига мувофиқ ўз ходимлари томонидан фарзандлари учун сотиб олинган оромгоҳлар йўлланмалари нархининг 50 фоизигача бўлган, аммо ҳар бир йўлланма учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан ошмаган қисми иш берувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларга компенсация қилиб берилиши мумкин;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидағи санаторийларда касаба уюшмалари аъзоси бўлган ва тегишли бадалларни тўлаган ходимларни соғломлаштириш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига белгиланган тартибда тақсимланадиган ижтимоий солиқ тушумлари ҳисобидан ҳар бир йўлланма нархининг 55 фоизи миқдорида санаторийларга компенсация қилинади.

5. Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги 2023 йилдан бошлаб ҳар йили:

Давлат бюджети параметрларида Жамғармага Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг асосланган ҳисоб-китобларига асосан маблағлар ажратилиши назарда тутилишини;

ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидағи оромгоҳ ва санаторийларни таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда янги стационар оромгоҳлар ва санаторийларни куриш учун камида 50 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, тизимида оромгоҳлар бўлган ташкилотлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

1-иловада* келтирилган оромгоҳларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига мулк хуқуқи асосида бепул бериш;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-иловада* келтирилган оромгохларни сотиш ёки уларнинг фаолият турини ўзгартиришни тақиқлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Давлат активларини бошқариш агентлиги вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорга 1-иловада келтирилган оромгохларни тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда уларни 2022 йил якунига қадар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига белгиланган тартибда бериш чораларини кўрсинг.

Бунда, оромгохлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига берилгунига қадар уларни сақлаб туриш харажатлари тизимида ушбу оромгохлар бўлган ташкилотлар зиммасига юклатилиди.

8. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг «General Motors Uzbekistan» акциядорлик жамиятининг «Хонобод» санаторияси бино ва иншоотларини, «Назарбек» санатория профилакторияси бино ва иншоотларини мулк ҳуқуқи асосида ҳамда «Омонхона» МЧЖ устав капиталидаги 100 фоиз давлат улушкини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига беғараз бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзавтосаноат» АЖ бирой муддатда обьектлар ва улушнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига топширилишини ва Федерация томонидан қабул қилиб олинишини таъминласин.

9. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Чорвоқ» туристик-рекреацион зонаси дирекцияси давлат унитар корхонасининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани Чорвоқ сув омборига туташ худуддаги 20 гектар ер майдонида Жамғарма маблағлари ҳисобидан халқаро болалар соғломлаштириш оромгоҳини куриш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг буюртмасига асосан ваколатли давлат органларига мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган тартибда янги оромгохлар барпо этиш учун ер участкалари ажратиб бориш чораларини кўрсинг.

10. Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гурух негизида Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) 3-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

11. Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгилансин:
оромгохлар фаолиятини тизимли ва самарали ташкил этиш, улардаги майший, коммунал, транспорт ва тиббий таъминот тизимларининг ишончли ва узлуксиз фаолият кўрсатиши бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

оромгоҳларда болаларни ватанпарварлик, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда эркин фикрлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган таълим-тарбия ишларини ҳамда маданий-маърифий тадбирларни таълим, фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳаларининг вакиллари иштирокида ташкил этиш;

оромгоҳларда болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга, шу жумладан таникли спортчилар иштирокида оммавий спорт мусобақалари ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

оромгоҳларда сифатли шошилинч тиббий ёрдам хизматини жорий этиш, уларни зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш, шунингдек, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари, ёнгин хавфсизлиги фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига риоя этилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш;

оромгоҳларга жалб этиладиган болалар салмоини йилдан-йилга ошириб боришни назарда тутган ҳолда, оромгоҳларда мавжуд имкониятлар ҳамда дам оловчиларга кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириб бориш;

оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш ҳамда табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

оромгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

12. Белгилаб қўйилсинки:

Комиссия қарори асосида болаларнинг дам олиши ва уларни соғломлаштириш ишлари босқичма-босқич мактаб таътиллари (ёзги, кузги, қишки ва баҳорги) даврида ташкил этилади, қолган вақтларда оромгоҳлар дам олиш маскани сифатида фаолият юритади;

болаларнинг дам олиши ва уларни соғломлаштириш мавсуми бошланиши олдидан оромгоҳларнинг болаларни қабул қилишга тайёрлигини текшириш ҳамда хулоса бериш учун ишчи гуруҳлар тузилади.

13. Болаларни соғломлаштириш, уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишни ташкил этиш ҳамда саломатлигини тиклашга кўмаклашиш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

14. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ўзбекистон касаба уюшмалии Федерацияси биносига бевосита туташ бўлган ва айни пайтда самарасиз фойдаланиб келинаётган «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига қарашли бинонинг бир қисмини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси балансига мулк ҳуқуқи асосида бепул ўтказиш бўйича Хукумат қарорини қабул қилсан.

Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ой муддатда Жамғарма ҳамда Департаментнинг ҳудудий бўлимларини жойлаштириш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига мулк ҳуқуқи асосида бепул бино ажратиш чораларини кўрсинг.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. Давлат солик қўмитаси (Ш. Кудбиев) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (Қ. Рафиков) билан биргаликда юридик шахс мақомига эга бўлмаган касаба уюшмаларининг бўлинмалари, бирлашган ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига солик тўловчиларнинг идентификация рақамини беришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Давлат солик қўмитаси (Ш. Кудбиев) ва Марказий банк (М. Нурмуратов) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (Қ. Рафиков) билан биргаликда мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган ўзгартиришлар расман кучга киргунга қадар юридик шахс мақомига эга бўлмаган касаба уюшмаларининг бўлинмалари, бирлашган ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш чораларини кўрсин.

16. Адлия вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 18 ноябрь,
ПҚ-427-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

432 Иқтисодиёт тармоқларида биржа механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда биржа савдоларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида*

Биржа савдо операцияларини янада кенгайтириш, товар-хом ашё биржалари ва уларнинг профессионал иштирокчилари фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш, товар деривативлари, шу жумладан фьючерс савдоларини ташкил этишнинг замонавий механизмларини амалиётга кенг жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки:

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишда уларни бир вақтнинг ўзида биржа тизимида аккредитациядан ўтказиш тартиби жорий этилади;

хорижий етказиб берувчилар томонидан давлат харидлари тизимида иштирок этиш учун мажбурий тартибда электрон рақамли имзо олиш талаби бекор қилинади;

тадбиркорлик субъектларининг юқори ликвидли ва монопол бўлмаган маҳсулотларини биржа савдолари орқали сотиш учун истиқболли товарлар секцияси ташкил этилади;

тадбиркорлик субъектларига, ўз хоҳишига кўра, биржадан ташқари тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича биржанинг ҳисоб-китоб-клиринг тизими орқали кафолатли ҳисоб-китоб хизматидан фойдаланиш имконияти яратилади;

маҳсулотларни «форвард» битимлари асосида сотиш тартиби биржа савдолари орқали тузиладиган экспорт-импорт шартномаларига нисбатан ҳам қўлланилади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 декабрдан 2024 йил 1 январга қадар қўйидаги товарлар ички бозорда фақат биржа савдолари орқали реализация қилинади:

а) монопол корхоналар ва (ёки) устав фонди (капитали)да давлат улуси 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, устав фонди (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фонди (капитали)да давлат улуси 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар (кейинги ўринларда — монопол ва давлат иштирокидаги ташкилотлар) томонидан ишлаб чиқарилган пўлат шар, металл лист прокати, суюқ углерод оксиди, техник кислород, каустик сода, нефть кокси, синтетик нафта, барда — ишлаб чиқариш ҳажмининг 100 фоизи;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

б) монопол бўлмаган ва (ёки) устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган ёки давлат улуши мавжуд бўлмаган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилган:

металл лист прокати ва цемент — ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 50 фоизи;

пахтадан олинган чигит, пахта мойи (шу жумладан, экстракция пахта мойи), қайта ишланган чигит чиқиндилари (шрот, шелуха) ва истеъмол этил спирти — ишлаб чиқариш ҳажмининг 100 фоизи.

Бунда, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ушбу бандда назарда тутилган товарларнинг ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ҳажмлардан ортган қисми биржа савдоларига қўйилади.

3. Ички бозорда нархлар кескин ошиб кетишининг ва сунъий танқислик вужудга келишининг олдини олиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи тизим жорий этилсин:

монополияга қарши орган нархлар кескин тебраниши даврида биржа савдоларига мажбурий қўйилиши керак бўлган юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш жадвалларининг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариш ҳажмлари, мавжуд имконият ва захираларидан келиб чиқсан ҳолда тасдиқланиши устидан назорат олиб боради;

давлат солиқ хизмати органлари биржа савдоларига мажбурий қўйилиши керак бўлган юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар тўғридан-тўғри шартномалар асосида реализация қилинган тақдирда, ўша кундаги биржа савдолари якунларига кўра бир хил турдаги маҳсулот бўйича ўртacha ҳисобланган биржа котировкаси (нарх) ва тўғридан-тўғри шартномада кўрсатилган нарх ўртасидаги фарқ суммасига белгиланган ставкада қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини ҳисоблайди;

Монополияга қарши курашиб қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ўзларининг ахборот тизимларини товар-хом ашё биржаларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиб, товарларнинг ҳақиқий бозор нархларини кузатиш, келишиб қилинган ҳаракатлар ва тил бириктириш, манипуляциялар ва бошқа қонунчилик бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш механизмларини жорий қиласди.

Бунда, биржа операциялари бўйича ахборот конфиденциаллигини кафолатлаш ва биржа маълумотларидан мақсадли фойдаланиш учун жавобгарлик ахборот алмашинуви йўлга қўйилган давлат органларининг тегишли мансабдор шахслари зиммасига юкланади.

4. Белгилаб қўйилсинки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан биржа савдолари натижаларига таъсир этувчи, шу жумладан товар бозори иштирокчилари ҳамда улар томонидан бериладиган нархларга чекловлар ўрнатиш юзасидан қарорлар қабул қилиниши ёки кўрсатмалар берилиши тақиқланади.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиб қўмитаси 2023 йил 1 марта қадар хорижий эксперктлар ва консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон

республика товар-хом ашё биржасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсин. Бунда:

жаҳоннинг йирик биржаларида кенг қўлланиладиган савдо механизмила-ри ва товар деривативларини амалиётга жорий қилиш ҳамда соҳада ахборот технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш;

миллий ва худудий иқтисодиёт миқёсида талаб юқори бўлган товарлар бўйича таклифлар ва нархларни, улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ҳамда мавжуд имкониятларни комплекс баҳолаш тизимини яратиш;

тадбиркорлик субъектлари вакилларида биржа савдолари ва давлат харидлари электрон тизимларидан фойдаланиш қўнималарини шакллантиришга қаратилган ўқув-методик қўлланмалар ҳамда илфор симуляцион дастурий таъминотларни жорий этиш;

2022 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини йўлга қўйиш ва халқаро кредит рейтингини олиш;

2022 йил якунлари бўйича катта тўртлик («big four») аудиторлик ташкилотларидан бирини жалб қилган ҳолда биржанинг молиявий ҳисоботларини халқаро аудит стандартлари асосида мустақил аудитдан ўтказиш назарда тутилсин.

6. Вазирлар Махкамаси бир хафта мuddатда:

товар-хом ашё биржаларида товар деривативлари, шу жумладан фьючерс савдолари билан шуғулланадиган брокерлик идораларини аккредитациядан ўтказиш ҳамда биржа аъзоларига қўйиладиган малакавий талабларни белгилаш;

биржа савдоларида нархлар манипуляцияси, ички (инсайдерлик) маълумотлардан фойдаланиш ва асоссиз даромад олишнинг бошқа рақобатга зид усуllibаридан фойдаланишнинг олдини олиш;

товар-хом ашё биржаларининг электрон савдо тизимларига қўйиладиган умумий талабларни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

7. Монополияга қарши курашиш қўмитаси мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси Ш.Ш. Шарахметов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 24 ноябрь,
ПҚ-430-сон

УЧИНЧИ БЁЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

433 Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг стандартлари ва тавсиялари асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси соҳасида парвозлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган миллий қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2019 йил 2 майдаги ЎРҚ-534-сон Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2019 йил 2 майдаги ЎРҚ-534-сон Қонунига мувофиқ:

учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равища олиб кириш, сотиш, сотиб олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш;

учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш, улардан фойдаланиш ёки уларни бошқа шахсларга бериш тартибини бузиш, шунингдек, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсанки:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларининг белгиланган тартибда мажбурий декларация қилинадиган транзитидан ташқари (8802200001, 8802200002, 8802200008, 8803100000, 8803200000 ТН ВЭД кодлари) уларни қонунга хилоф равища олиб кириш, сотиш, сотиб олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг «Геоинновация маркази» давлат унитар корхонаси, «Чорвок» эркин туристик зонаси дирекцияси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси томонидан учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг

* Ушбу карор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 ноябрда эълон қилинган.

бутловчи ва эҳтиёт қисмларини олиб кириш, сотиш, сотиб олиш, сақлаш ва фойдаланиш ҳолатлари бундан мустасно;

б) Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан тегишли вазирликлар, идоралар ва хўжалик субъектларига учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини олиб кириш, сотиш, сотиб олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш учун рухсатномалар берилиши мумкин;

в) амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига хилоф равишида Республика ҳудудига олиб кириш, сотиш, сотиб олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш жараёнида вақтинча олиб қўйилган фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари ва уларнинг бутловчи қисмлари Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига сақланади;

г) учувчисиз учадиган аппаратларни (уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини) топшириш, сотиш ёки утилизация қилиш терговдан олдинги текширувни амалга оширувчи орган, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори, шунингдек, суд қарори асосида тегишли далолатнома тузиш орқали амалга оширилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Республиканинг туризм салоҳияти тўғрисида фото ва видео материаллар тайёрлаш учун хорижий ижодий гурухларга учувчисиз учадиган аппаратларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш учун рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг илтимосномасига асосан Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги томонидан берилади.

4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улардан фойдаланиш учун илтимоснома бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аэросуратга олиш ишларини ҳаво кемаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ва Ички ишлар вазирлиги учувчисиз учадиган аппаратлар, шунингдек, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ноқонуний олиб қириш, сотиш, сотиб олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган амалий чораларни қўриб борсин.

6. Транспорт вазирлиги Мудофаа вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

республика ҳудудига учувчисиз учадиган аппаратларни олиб кириш,

сотиш, сотиб олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек, белгиланган тартиб бузилишининг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида ахборот материаллари давлат ва хорижий тилларда тайёрланишини;

тайёрланган ахборот материалларини ва видеороликларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, расмий веб-сайтларда жойлаштириш орқали кенг ёритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида, ҳаво кемаларида ва поездларда, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан ўтишда назорат-ўтказиш пунктларида намойиш этилишини таъминласин.

7. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиrsин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудида учувчисиз учадиган аппаратларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 12 майдаги 150-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар кириллесин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблансан.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва транспорт вазири И.Р. Маҳкамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 15 ноябрь,
658-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 15 ноябрдаги 658-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:
ариза берувчи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

* 1 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

алоҳида ҳужжати билан идоравий вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишга рухсат берилган юридик шахс;

ажратилган ҳаво ҳудуди — Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ёки ҳудудий сувлари устидаги ҳаво ҳудуди бўлиб, унинг доирасида идоравий вазифаларни бажариш учун учувчисиз учадиган аппаратлар ва учувчисиз авиаация тизимларининг парвозларини амалга ошириш учун рухсат берилган ҳудуд;

давлат авиациясининг авиаация ходимлари — учувчисиз учадиган аппаратлар парвозларини ташкил қилиш, бажариш, таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун маҳсус касбий тайёргарликка эга бўлган мансабдор шахслар;

парвозлар хавфсизлиги — ҳаво кемаларидан фойдаланишга тааллуқли авиаация фаолияти билан боғлиқ бўлган ёки бундай фойдаланишни бевосита таъминлайдиган мақбул даражагача пасайтирилган ва назорат қилинадиган ҳолат;

учувчисиз авиаация тизими — ҳаво кемаси ва бортида учувчи бўлмаган ҳолда фойдаланиладиган ҳаво кемаси билан боғлиқ элементлар;

учувчисиз учадиган аппарат — учувчисиз парвозни амалга оширадиган ёки тўлиқ бошқа жойдан масофадан туриб бошқариладиган ёхуд дастурлаштирилган ва парвозда тўлиқ автоном бўлган ҳаво кемаси (ҳаво кемалари моделлари ва ўйинчоқ ҳаво кемалари моделлари бундан мустасно). Учувчисиз учадиган аппарат ўзида одатда яхлит тизим сифатида фойдаланиладиган учувчисиз ва масофадан бошқариладиган ҳаво кемаларини бирлаштиради;

учувчисиз учадиган аппаратлар учун бутловчи қисмлар ва эҳтиёт қисмлар — 8802200001, 8802200002, 8802200008, 8803100000, 8803200000 ТН ВЭД кодига тушадиган қисмлар;

парвозларни қисқа муддатли чеклаш — Ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими марказларининг ҳаво ҳудудидан фойдаланишни бошқариш борасида ўз ҳудудларида парвозлар хавфсизлигини ва бошқа фаолиятни тезкор таъминлашга йўналтирилган тадбирлар комплекси билан ҳаво ҳудудидан фойдаланиш бўйича белгиланадиган алоҳида тартиб;

ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими — идоралараро комиссия ва Ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими марказларидан ташкил топган, Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудидан фойдаланиш тартибига риоя этилишини ташкил этиш, режалаштириш, мувофиқлаштириш ва мониторингини амалга ошириш учун мўлжалланган орган;

ҳаво кемасининг ўйинчоқ модели — фуқароларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун ишлатиладиган, оғирлиги 250 граммдан ошмайдиган, 8802200001 ТН ВЭД кодига тушмайдиган, парвозни автоном бошқариш функциясига ва навигацияга эга бўлмаган, фото ва видео ускуналар билан жиҳозланмаган учадиган аппарат;

ҳаво кемасининг модели (авиамодел) — двигателли ёки двигателсиз, парвозни автоном бошқариш функциясига ва навигацияяга эга бўлмаган,

фото ва видео ускуналар билан жиҳозланмаган, факат ўкув, спорт, маданий ва маърифий тадбирлар ва техник ижодкорликни ривожлантириш учун фойдаланиладиган учадиган аппарат;

ҳаводаги яқинлашув йўлаги — аэродром ҳудудидаги учиш-қўниш йўлагининг охирига туташган қисмидаги ҳаво ҳудуди бўлиб, унинг доирасида учадиган пайтда баландликка кўтарилади ва қўниш пайтида пасайиш амалга оширилади;

ҳаво кемаларининг парвозлари учун маҳсус зона — учиш зонаси, синов парвозлари зонаси, ҳаво кемаларининг паст ва жуда паст баландликдаги парвозлари зонаси, ҳаво кемаларининг товуш тезлигидан ошадиган тезликдаги парвозлари зонаси, ҳаво кемаларига парвозда ёқилғи қўйиш зонаси, ҳаво кемаларининг ўзгарувчан баландликда парвоз қилиш зонаси, ёқилғи тўкиш ва юк ташлаш зонаси, ҳаво кемалари моделларининг (авиамоделлар) парвозлари зонаси;

фуқаро авиацияси учувчисиз учадиган аппаратининг оператори — ариза берувчининг учувчисиз учадиган аппаратини бевосита бошқарадиган мансабдор шахси;

эксплуатант — ҳаво кемасига эгалик ҳуқуқи, ижара асосида ёки бошка қонуний асосда эга бўлган, ушбу ҳаво кемасидан фойдаланиш ҳуқуқи ва қобилияти хужжатлаштирилган фуқаро ёки юридик шахс;

ягона ҳаво ҳудуди — Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ёки ҳудудий сувлари устидаги ҳаво ҳудуди бўлиб, унинг доирасида Ўзбекистон Республикасининг барча турдаги ҳаво кемаларига парвоз қилиш рухсат берилган.

3. Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудида хорижий давлатларнинг учувчисиз учадиган аппаратлари парвозини амалга оширишга факат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан рухсат этилади.

4. Таълим, спорт, маданий ва маърифий тадбирларга, техник ижодкорликни ривожлантиришга мўлжалланган ҳаво кемалари моделларининг (авиамоделларнинг) парвозлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ факат ҳаво кемалари парвозларининг маҳсус зоналарида амалга оширилади.

5. Ариза берувчи учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишга рухсат олишдан олдин учувчисиз учадиган аппаратлар жиҳозланган радиоэлектрон воситалардан фойдаланишга ваколатли органдан белгиланган тартибда рухсат олиши керак.

2-боб. Учувчисиз учадиган аппаратлар

1-§. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари

6. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари танланган бошқариш усулига қараб автоном ва масофадан туриб бошқариладиганларга бўлинади.

7. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари қўйидаги талбларга жавоб бериши керак:

- а) саноат усулида ишлаб чиқарилган;
- б) ишлаб чиқарувчи заводнинг паспортига ёки унга тенглаштирилган хужжатга (сифат сертификати, мувофиқлик сертификати) эга бўлиши;
- в) парвоз вақтида максимал оғирлиги 25 кг дан ошмаслиги, қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган учувчисиз учиш аппаратлари бундан мустасно, бунда уларнинг максимал учиш оғирлиги 100 кг дан ошмаслиги керак ва тур сертификати мавжуд бўлиши лозим.

8. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари таснифланмайди.

9. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларидан фойдаланишга ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан рухсат берилади.

10. Ариза берувчи ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ парвозларни амалга ошириш бўйича намунавий шаклда ишлаб чиқилган қўлланмага эга бўлиши шарт.

Парвозларни амалга ошириш бўйича қўлланма ва унга киритиладиган барча ўзгартиришлар Агентлик билан келишилиши керак.

11. Ариза берувчи фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларидан фойдаланишга рухсат олиш учун Агентликка қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

- а) ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклда учувчисиз учадиган аппаратдан фойдаланишга рухсат олиш учун ариза;
- б) учувчисиз учадиган аппаратга мулк хуқуқи ёки бошқа шаклдаги мулк хуқуқи тўғрисидаги хужжат нусхаси;
- в) учувчисиз учадиган аппарат учун ишлаб чиқарувчининг паспорти нусхаси ёки унга тенглаштирилган хужжат (сифат сертификати, мувофиқлик сертификати);
- г) учувчисиз учадиган аппаратдан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқарувчининг хужжати (қўлланма, ўюриқнома, техник тавсиф) нусхаси;
- д) ариза берувчининг парвозларни амалга ошириш бўйича қўлланмаси.

12. Агентлик аризани хужжатлар билан биргаликда кўриб чиқади ва учувчисиз учадиган аппаратнинг техник ҳолатини ўн иш кунидан ошмайдиган муддатда баҳолайди. Техник ҳолатни текшириш Агентликда амалга оширилади.

13. Агентлик хужжатларни кўриб чиқиш ва учувчисиз учадиган аппаратнинг техник ҳолатини текшириш натижалари бўйича фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги хulosани расмийлаштиради ва Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларидан фойдаланишга рухсат этилгани тўғрисида берилган хulosаларни маълумотлар реестрига (кейинги ўринларда — реестр) киритади.

Агентлик ариза берувчига учувчисиз учадиган аппаратдан фойдаланишга

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

рухсат берилганлиги тўғрисидаги хulosани беради (юборади) ёки тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай, фойдаланишга рухсат бериш рад этилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қиласди.

14. Фуқаро авиаациясининг учувчисиз учадиган аппарати тўғрисидаги маълумотни реестрга киритишида унга рўйхатдан ўтишни танитувчи белги берилади, ариза берувчи уни учувчисиз учадиган аппарат корпусига туширади. Рўйхатдан ўтиш танитувчи белги бешта араб рақамидан иборат бўлади.

15. Фуқаро авиаациясининг учувчисиз учадиган аппаратидан фойдаланишга рухсат этиш тўғрисидаги хulosса ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

16. Ариза берувчига қўйидаги холларда фуқаро авиаациясининг учувчисиз учадиган аппаратидан фойдаланишга рухсат этиш тўғрисидаги хulosани бериш рад этилиши мумкин:

- а) талаб қилинадиган хужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаса;
- б) тақдим этилган хужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;
- в) фуқаро авиаациясининг учувчисиз учадиган аппарати техник ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги асосли салбий хulosса бўлса.

17. Агентлик томонидан учувчисиз учадиган аппаратдан фойдаланишга рухсат этиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун ҳақ олинмайди.

18. Реестр Агентлик томонидан ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ шаклда юритилади.

19. Ариза берувчининг манзили ўзгарганда, учувчисиз учадиган аппарат уни қайта жихозлаш билан боғлиқ модификация қилинганда (номи ўзгарганда), фойдаланилаётган учувчисиз учадиган аппарат рўйхатдан чиқарилганда, учувчисиз учадиган аппаратдан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги хulosада кўрсатилган учувчисиз учадиган аппарат оператори (операторлари) тўғрисидаги маълумотлар ўзгарганда, ариза берувчи юқорида кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар билан бирга етти иш куни ичida Агентликка хulosани қайта расмийлаштириш учун ариза бериши шарт.

Фуқаро авиаациясининг учувчисиз учадиган аппаратидан фойдаланишга рухсат этиш тўғрисидаги хulosса қайта расмийлаштирилганда, Агентлик реестрга тегишли ўзгартиришлар киритади.

20. Фуқаро авиаациясининг учувчисиз учадиган аппаратидан фойдаланишга рухсат этиш тўғрисидаги хulosани бериш ва қайта расмийлаштириш Агентлик томонидан тегишли хужжатлар билан хulosса бериш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кундан бошлаб беш иш кунидан кўп бўлмаган муддат ичida амалга оширилади. Фуқаро авиаациясининг учувчисиз учадиган аппаратидан фойдаланишга хulosса бериш ва уни қайта расмийлаштириш учун ҳақ олинмайди.

21. Ариза берувчи томонидан ушбу Низомнинг 19-банди талаблари бажа-

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

рилмаганда, фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратидан фойдаланишга рухсат этиш тўғрисидаги хулоса тўхтатилади.

2-§. Давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари ва учувчисиз авиаация тизимлари

22. Давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари ва учувчисиз авиаация тизимлари танланган бошқариш усулига қараб, автоном ва масофадан туриб бошқариладиганларга бўлинади.

23. Давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари ва учувчисиз авиаация тизимларига қўйиладиган талаблар, уларни рўйхатга олиш, улардан фойдаланиш ва сақлаш тартиби ишлаб чиқарувчиларнинг эксплуатация қилиш ва техник ҳужжатларига мувофиқ равишда вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланади.

Ишлаб чиқарувчининг техник ҳужжатлари мавжуд бўлмаган давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларини сотиб олиш тақиқланади.

24. Вазирликлар ва идораларда давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларининг ва учувчисиз авиаация тизимларининг ишлаб чиқарувчи заводнинг техник-фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ тўғри сақланишини текшириш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати вакилларини мажбурий киритиш, шунингдек, қўйидаги шартлар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига берилган:

а) текширишни текширилаётган вазирлик ва идоралар раҳбарияти билан келишиш;

б) текширувчиларнинг вазирликлар ва идоралар объектларига кириш учун тегишли рухсати мавжудлиги.

Текширишлар календарь йил давомида келишилган режага мувофиқ амалга оширилади. Вазирликлар ва идоралар томонидан навбатдаги текширувга охирги текширувдан 3 йил ўтгандан кейин рухсат берилади.

25. Вазирликлар ва идоралар томонидан давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларидан ва учувчисиз авиаация тизимларидан Ўзбекистон Республикаси ҳаво худудида фойдаланишга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг рухсатномаси олингандан кейин рухсат этилади.

26. Давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари билан содир бўлган авиаация ҳодисалари (ҳалокатлари) текшируви Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Зарурат бўлганда, давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари билан содир бўлган авиаация ҳодисалари (ҳалокатлари) текширувига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиаацияси агентлиги мутахассислари белгиланган тартибда жалб этилиши мумкин.

3-боб. Фуқаро ва давлат авиацияси ходимлари

1-§. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппарати оператори

27. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган операторлар таркиби ариза берувчи томонидан учувчисиз учадиган аппаратнинг тури, мақсади ва шартларига қараб белгиланади.

28. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппарати оператори қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлиши;
- б) 18 ёшга етган бўлиши;
- в) саломатлиги жиҳатидан лавозим вазифаларини бажаришга яроқли бўлиши;
- г) учувчисиз учадиган аппаратлар ишлаб чиқарувчisi томонидан тавсия этилган талаблар асосида учувчисиз учадиган аппаратдан фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича махсус тайёргарликка эга бўлиши;
- д) ҳаво ҳудудидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини билиши;
- з) учувчисиз учадиган аппаратдан фойдаланиш бўйича билим ва маҳоратини Агентликка намойиш этиши керак.

2-§. Давлат авиациясининг авиация ходимлари

29. Давлат авиацияси авиация ходимларининг таркиби, уларга қўйиладиган асосий талаблар, давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари ва учувчисиз авиация тизимларидан фойдаланишга рухсат бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

30. Тажриба-конструкторлик, экспериментал ёки илмий-тадқиқот ишларининг мақсадлари ва вазифаларига қараб, давлат авиациясидан фойдаланувчилар манфаати учун ишлаб чиқилган экспериментал учувчисиз учадиган аппаратлар ва учувчисиз авиация тизимларининг шахсий таркиби учадиган аппаратни (тизимни) ишлаб чиқарувчи (йиғувчи) томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

4-боб. Аэроромлар

31. Давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари ва учувчисиз авиация тизимлари аэроромларда жойлаштирилиши мумкин.

32. Давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари ва учувчисиз авиация тизимларидан фойдаланишга рухсат берилган аэроромлар тегишли рухсатномага эга бўлиши керак.

33. Аэроромлардан фойдаланишга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан улар яроқлилик нормалари ва парвозлар хавфсизлигини таъминлайдиган талабларга мувофиқ бўлганда рухсат берилади.

34. Давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари ва учувчисиз авиация тизимларининг битта аэроромда жойлаширилиши ҳамда улардан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

5-боб. Ҳаво ҳудудидан фойдаланиш

35. Фуқаро ва давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари, давлат авиациясининг учувчисиз авиация тизимлари томонидан ҳаво ҳудудидан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назоратини олиб бориш қонунчиликка асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига юкланди.

36. Зарур ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилинган ҳолда ва Ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими органларидан рухсат олингандан кейингина фуқаро ва давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари, давлат авиациясининг учувчисиз авиация тизимларига Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланишга рухсат берилади.

37. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари факат ажратилган ҳаво ҳудудидан фойдаланади.

38. Давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари ва давлат авиациясининг учувчисиз авиация тизимлари ажратилган ҳаво ҳудуди ва умумий ҳаво ҳудудларидан фойдаланишлари мумкин.

39. Давлат авиациясининг автоном учувчисиз учадиган аппаратлари ва учувчисиз авиация тизимлари факат ажратилган ҳаво ҳудудидан фойдаланишлари мумкин.

40. Давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари ва учувчисиз авиация тизимлари факат исталган вақтда битта бошқарув пунктидан ва факат битта учувчисиз учадиган аппаратда масофада турив парвоз қилиш шарти асосида ягона ҳаво ҳудудида парвоз қиладиган ҳаво кемалари билан интеграциялашиши мумкин.

41. Давлат авиациясининг манбаатларини кўзлаб экспериментал учувчисиз учадиган аппаратлар ва учувчисиз авиация тизимларининг парвозларини синовдан ўтказиш вақтида ҳаво ҳудудидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

42. Фуқаро ва давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари, давлат авиациясининг учувчисиз авиация тизимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудидан фойдаланиш учун буюртманомалар ва рухсатномалар бериш тартиби 6-иловага мувофиқ амалга оширилади.

43. Ўйинчоқ ҳаво кемалари моделлари томонидан ҳаво ҳудудидан фойдаланиш учун рухсат олиш талаб қилинмайди.

6-боб. Учувчисиз учадиган аппаратларнинг парвози

44. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари парвозларни Ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими органлари билан келишилган ҳолда ажратилган ҳаво ҳудудида амалга оширади.

* 6-и洛ва «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

45. Давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари ва учувчисиз авиаация тизимларининг ажратилган ва умумий ҳаво худудларида парвоз қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

46. Давлат авиациясининг манбаатларини кўзлаб, учувчисиз учадиган аппаратларни ва учувчисиз авиаация тизимларини парвозда синааб кўриш тартиби уларни ишлаб чиқарувчи (тайёрловчى) томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан келишилади.

47. Ўйинчоқ ҳаво кемалари моделларининг парвозлари аэродромларнинг ҳаводаги яқинлашув йўлагига 150 метрдан кам бўлмаган узоқликда, 50 метргача баландликда, одамлардан хавфсиз масофада ва учадиган аппарат доимий визуал кўриниб турган ҳолда амалга оширилади.

7-боб. Парвозлар хавфсизлиги

48. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларининг парвоздари Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро авиациясининг ва экспериментал авиаациянинг парвоз қилиш қоидалари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

49. Давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари ва учувчисиз авиаация тизимларининг парвоздари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги авиаациясининг парвоз қилиш қоидалари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

50. Давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратлари ва учувчисиз авиаация тизимларининг бошқариладиган ҳаво кемалари билан биргаликдаги умумий ҳаво худудларида парвоздарига факат уларнинг парвозлари хавфсизлиги таъминланган шароитларда рухсат этилади.

51. Ўйинчоқ ҳаво кемалари моделларининг эгалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ аппаратлардан хавфсиз фойдаланиш учун жавобгардирлар.

8-боб. Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш тартиби

52. Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ уларни олиб кириш, сотиш, сотиб олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш хукуқига эга бўлган давлат органи, корхона, муассаса, ташкилотнинг масъул мансабдор шахси томонидан ташкил этилади ва таъминланади.

53. Қуйидагилар фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларини сақлашга қўйиладиган умумий талаблар ҳисобланади:

а) учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш учун бегоналар кириши ман этилган ва сигнализация воситалари (зарурат бўлганда, видео кузатув воситалари) билан жиҳозланган, ҳарорат режими, тўғри тушадиган қуёш нурларининг, иссиқлик ва бошқа турдаги нурланишнинг ёруғлик таъсири, шунингдек, ёнфинга қарши хавфсизлик бўйича ишлаб чиқарувчи талабларига мос келадиган ихтисослаштирилган бино ажратиш;

б) учувчисиз учадиган аппаратларни уларнинг турига мос келадиган махсус контейнерларда сақлаш;

в) учувчисиз учадиган аппаратни қисман ёки демонтаж қилинган ҳолда, унинг дархол учишини истисно қиладиган шароитда сақлаш;

г) учувчисиз учадиган аппаратларни дала (ишлаб чиқариш) шароитида уларнинг турига қараб маҳсус жойлаш контейнерларида аккумулятордан алоҳида ажратилган ҳолда сақлаш. Бунда жойлаш контейнери муҳрланган бўлиши ва сақлаш учун масъул бўлган мансабдор шахс назорати остида бўлиши керак;

д) сақлаш учун масъул бўлган мансабдор шахсга учувчисиз учадиган аппаратни ташлаб кетиш ёки бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

54. Фуқаро авиациясининг эксплуатантдаги учувчисиз учадиган аппаратларини сақлаш тартиби эксплуатант томонидан техник-фойдаланиш хужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади ва Парвозларни амалга ошириш бўйича қўлланмага киритилади. Сақлаш тартиби Агентлик билан келишилиши шарт.

55. Давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларини сақлаш тартиби тегишли вазирлик ва идоранинг раҳбарияти томонидан техник-фойдаланиш хужжатларнинг мажбурий талабларига мувофиқ белгиланади.

9-боб. Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва давлат авиациясида ариза берувчилар фаолиятини назорат қилиш

56. Ушбу Низомда белгиланган талабларнинг бажарилишини фуқаро авиациясида Агентлик, давлат авиациясида — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги назорат қиласи.

57. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларидан фойдаланадиган ариза берувчилар фаолияти инспекция текширувлари шаклида назорат қилинади. Инспекция текшируви натижалари ҳисобот шаклида қайд этилади.

58. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларидан фойдаланадиган ариза берувчиларни инспекция текширувлари икки йилда камидан бир марта амалга оширилади.

59. Фуқаро авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратларидан фойдаланадиган ариза берувчилар томонидан ушбу Низом талблари бузилганда, Агентлик ушбу қоидабузарликларни ўз вақтида бартараф этиш зарурлиги тўғрисида огоҳлантириши ҳуқуқига эга.

10-боб. Якунловчи қоида

60. Ушбу Низом талблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 15 ноябрдаги 658-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш,
сақлаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улардан
фойдаланиш учун илтимоснома бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан республика-нинг туризм салоҳияти тўғрисида фото ва видео материаллар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланишга оид илтимосномалар тақдим қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

илтимоснома берувчи — белгиланган тартибда республиканинг туризм салоҳияти тўғрисида фото ва видео материаллар тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикасига учувчисиз учадиган аппаратларини вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида мурожаат қилган юридик ва жисмоний шахс, шу жумладан, хорижий ижодий гурухларнинг вакиллари;

ваколатли давлат органлари — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

илтимоснома киритувчи орган — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва ариза берувчи томонидан улардан фойдаланиш бўйича илтимосномалар киритиш хукуқига эга бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар;

учувчисиз учадиган аппаратлар оператори — учувчисиз учадиган аппаратларни бевосита бошқарувчи жисмоний шахс;

ягона идоралараро электрон платформа — хорижий ижодий гурухларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига учувчисиз учиш аппаратларини вақтинча олиб кириш ва улардан фойдаланишлари бўйича вазирлик ва идоралар томонидан аризаларни тақдим этиш ва келишиш бўйича ахборот тизими;

ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими — идоралараро комиссия ва Ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими марказларидан ташкил топган, Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудидан фойдаланиш тартибига риоя этилишини ташкил этиш, режалаштириш, мувофиқлаштириш ва мониторингини амалга ошириш учун мўлжалланган орган.

**2-боб. Учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб
кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича илтимоснома
киритувчи органга мурожаат қилиш тартиби**

3. Республиkaning туризм салоҳияти тўғрисида фото ва видео материаллар тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш истагида бўлган ариза берувчи ягона идоралараро электрон платформа орқали (масалан, ариза шаклида) мурожаат қилади.

4. Сўровда ариза берувчи учувчисиз учадиган аппаратларни олиб кирувчи ва улардан фойдаланувчи шахслар, учувчисиз учадиган аппаратларнинг техник хусусиятлари ва тасвирга оладиган ҳудуд (жой) тўғрисидаги маълумотларни илова қиласи.

5. Илтимоснома киритувчи орган сўровни (масалан, ариза шаклида) келиб тушган кундан бошлаб иккى кун ичida ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда кўриб чиқади.

Ариза берувчининг сўровини кўриб чиқиши натижаларига кўра, илтимоснома киритувчи орган ваколатли давлат органига учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида илтимоснома киритиши ёки киритишни рад этиши мумкин.

Учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича илтимосномани рад этиш асосли бўлиши керак.

6. Тақдим этилаётган ҳужжатлардаги маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри ёки бузиб кўрсатилган бўлса, ариза берувчига учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги илтимоснома рад этилиши мумкин.

7. Ариза берувчи учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича рад жавоб олган кундан эътиборан ўн кун ичida рад этиш сабабларини бартараф қилишга ва илтимоснома киритувчи органга қайта мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда такрорий сўров илтимоснома киритувчи орган томонидан ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган муддатда кўриб чиқлади.

8. Сўровни, шу жумладан, учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги такрорий сўровни кўриб чиқиш учун илтимоснома киритувчи орган томонидан йиғим олинмайди.

**3-боб. Учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб
кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш учун илтимоснома
тақдим этиш тартиби**

9. Илтимоснома киритувчи орган томонидан ариза берувчига Республиkaning туризм салоҳияти тўғрисида фото ва видео материалларни тайёрлаш учун учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳукуқига рухсатнома бериш бўйича ваколатли давлат органларига ягона идоралараро электрон платформа орқали тақдим этилади.

10. Илтимосномага илтимоснома киритувчи орган учувчисиз учадиган аппаратларни олиб киравчы ва ундан фойдаланувчи шахслар, учувчисиз учадиган аппаратларининг техник хусусиятлари ва тасвирга олиш жойлари ва вақти тўғрисидаги маълумотларни илова қиласди.

11. Ваколатли давлат органи илтимоснома олинган кундан бошлаб икки кун ичida ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган барча зарур хужжатларни кўриб чиқади.

Илтимосномани кўриб чиқиш натижаларига мувофиқ ваколатли давлат органи учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича хат шаклида рухсатнома беради ёки беришни рад этади.

Ваколатли давлат органлари қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир кун ичida илтимосномани кўриб чиқиш натижалари тўғрисида илтимоснома киритувчи органни ягона идоралараро электрон платформа орқали хабардор қилиши лозим.

Учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича рухсатнома беришни рад этиш асосли бўлиши керак.

12. Илтимоснома киритувчи органга учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланишга рухсатнома бериш кўйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

маълумотлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмагандан;

тақдим этилган хужжатларда нотўғри ёки бузиб қўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда.

13. Илтимоснома киритувчи орган учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича рад жавоб олинган кундан эътиборан ўн кун ичida рад этиш сабабларини бартараф қилишга ва такроран илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда такрорий илтимоснома ваколатли давлат органлари томонидан ушбу Низомнинг 11-бандида қўрсатилган муддатда кўриб чиқиласди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган топшириқлар асосидаги илтимосномалар бир кун ичida кўриб чиқиласди.

15. Ваколатли давлат органлари учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш учун йиғим олмайди.

16. Учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланишга рухсатнома олингандан сўнг илтимоснома киритувчи орган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хорижий ижодий гурухлар учувчисиз учадиган аппаратларни фойдаланишидан бир кун олдин ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими органини учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш жойи ҳамда вақти ҳақида хабардор қиласди.

17. Учувчисиз учадиган аппаратларни вақтинча олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш тартиби илтимоснома киритувчи органининг ташаббуси билан ушбу Низомга мувофиқ кўриб чиқиласди.

4-боб. Вақтингча олиб кириладиган учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш тартиби

18. Вақтингча олиб кириладиган учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш тартиби учувчисиз учиш аппаратларни ишлаб чиқарувчининг (етказиб берувчининг) сақлаш бўйича кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилади.

19. Учувчисиз учадиган аппаратлар оператори Ўзбекистон Республикаси худудида учувчисиз учадиган аппаратларнинг тўғри сақланишини ташкил этади ва таъминлайди.

5-боб. Хорижий ижодий гуруҳларнинг учувчисиз учадиган аппарат оператори

20. Хорижий ижодий гуруҳларнинг учувчисиз учадиган аппаратлар операторларининг таркиби илтимоснома киритувчи орган билан келишилган ҳолда хорижий ижодий гуруҳлар томонидан белгиланади.

21. Учувчисиз учадиган аппарат оператори қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

18 ёшдан кичик бўлмаслиги;

учувчисиз учадиган аппаратлар ишлаб чиқарувчининг (етказиб берувчи) тавсиялари асосида учувчисиз учадиган аппаратларни ишлатиш ва бошқариш бўйича махсус тайёргарликка эга бўлиши.

6-боб. Вақтингча олиб кириладиган учувчисиз учадиган аппарат парвозларини амалга ошириш тартиби

22. Вақтингча олиб кириладиган учувчисиз учадиган аппаратдан фойдаланиш қўйидаги холларда тақиқланади:

учиши ва қўниш пайтида — ҳар қандай одамдан (учувчисиз учадиган аппарат операторидан ташқари), транспорт воситаси, бино ёки иншоотдан 50 метрдан яқин масофада;

одамлар гавжум жойдан (камида 500 нафар) 150 метрдан яқин;

аэропортлар, темир йўл вокзаллари, электр тармоқлари станциялари парвоз учун тақиқланган ва хавфли зоналардан камида 5 километр масофада, қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

7-боб. Вақтингча олиб кириладиган учувчисиз учадиган аппаратларнинг парвозларини назорат қилиш

23. Республиkaning туризм салоҳияти тўғрисида фото ва видео материаллар тайёрлаш мобайнида юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хорижий ижодий гуруҳларга ҳамроҳлик қилиш учун илтимоснома киритувчи орган томонидан вакил ажратилади.

24. Илтимоснома киритувчи орган вакили:

учувчисиз учадиган аппарат операторини Ўзбекистон Республикасининг

хаво худудидан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабла-ри тўғрисида хабардор қилиши;

учувчисиз учадиган аппаратдан мақсадли фойдаланишини назорат қи-лиши;

учувчисиз учадиган аппарат оператори хаво худудидан фойдаланиш қо-идаларини бузган тақдирда, бу ҳакда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига хабар бериши шарт;

республиканинг туризм салоҳияти ҳақида аэросуратларга олиш ишлари тугагандан сўнг ариза берувчи фото ва видео материалларни Мудофаа вазирлигига юборади ёки уларни мустақил кўриб чиқиб, хulosасини Мудофаа вазирлигига юборади.

8-боб. Якунловчи қоида

25. Ушбу Низомнинг талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжат-ларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 15 ноябрдаги 658-сон қарорига
З-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аэросуратга олиш ишларини ҳаво кемаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ҳаво кемаларидан туриб телевизион, инфрақизил, микротўлқинли, радиолокацион ва бошқа аппаратуралар ёрдамида бажари-ладиган аэросуратга олиш, маҳсус ва бошқа турдаги ишларни (кейинги ўрин-ларда — аэросуратга олиш ишлари) амалга ошириш учун Ўзбекистон Респу-бликаси ҳаво худудидан фойдаланишга, шунингдек, мазкур суратга олиш материаллари ва космик суратга олиш материалларини назорат тариқасида кўриб чиқишига рухсат бериш тартиботларини ташкил этиш ва ўтказиш тар-тибини белгилайди.

2. Мазкур Низомнинг талаблари мулкчилик шакли ва идоравий шаклидан қатъи назар, тасарруфида ўта муҳим ҳамда тоифаланган саноат ва ҳарбий обьектлар бўлган, шунингдек, аэросуратга олиш ишларини бажарган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳаво худудидан фойдаланувчи ва ушбу ишларнинг материалларидан фойдаланадиган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга татбиқ эти-лади.

3. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
ажратилган ҳаво ҳудуди — Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ёки ху-

дудий сувлари устидаги ҳаво ҳудуди, унинг доирасида идоравий вазифаларни бажариш учун учувчисиз учадиган аппаратлар ва учувчисиз учадиган авиация тизимларининг парвозларни амалга ошириш учун рухсат берилган ҳудуд;

ариза берувчи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорига биноан идоравий вазифаларни бажариш учун ҳаво ҳудудида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишга рухсат берилган юридик шахс;

аэросуратга олиш ишлари — суратга олиш ишлари амалга оширилган участкаларда объектив макон маълумотларини олиш, ўрганиш ва тақдим этиш мақсадида атмосферада учадиган аппаратга ўрнатилган фото ва видео аппаратлар ёрдамида ҳудудларни ер юзасидан муайян баландликда фото ва видеосуратга олиш;

махсус рухсатнома — доимий фаолият кўрсатувчи маҳсус комиссия билан келишган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби (кейинги ўринларда — Бош штаб) томонидан бериладиган Ўзбекистон Республикасининг ажратилган ҳаво ҳудудида парвозни ва аэросуратга олишни амалга оширишга рухсат берувчи хужжат;

парвоз — кўтарилишдан тезлашишдан (вертикал кўтарилишдан ер ёки сув юзасидан узилишдан) масофа босиб ўтилгунча (учиш-қўниш йўлаги-ни тўхташларсиз озод қилингунча) ёки вертикал қўнишда ер (сув) юзасига теккунга қадар бўлган ҳаво кемасининг ер (сув) юзаси ва ҳаво ҳудудида харакати;

парвозларни амалга ошириш чекланган ҳудуд — давлатнинг ҳудуди ёки ҳудудий сувлари устида белгиланган катталиқдаги, чегараларида ҳаво кемаларининг парвозларни амалга ошириши маълум шартлар билан чекланган ҳаво ҳудуди. Парвозларни амалга ошириш чекланган ҳудудлар ҳаво кемаларининг парвозларини вақт ва уларнинг бажарилиш шартлари ва бошқалар бўйича чекланиши зарур бўлган обьектлар устида (ҳудудларда) белгиланади;

парвозларни амалга оширишга қисқа муддатли чеклов — ҳаво ҳудудидан фойдаланиш бошқарувининг ягона тизими марказларидағи парвозлар хавфсизлигини оператив таъминлаш ва ўзининг ҳаво ҳудудидан фойдаланиш бошқаруви районларидаги бошқа фаолиятга ўйналтирилган тадбирлар комплексига кўра белгиланувчи ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг алоҳида тартиби;

парвоз режаси (флайт-режа) — ҳаводаги харакатларни бошқариш органларига тақдим этиладиган, ҳаво кемасининг кўзда тутилган парвози ёки парвознинг бир қисми ҳақидаги муайян маълумотлар;

парвоз учун буюртманома (парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланиш) — ҳаво кемасининг мўлжалланган парвози ёки парвознинг бир қисми тўғрисида ҳаводаги харакатни ташкил қилиш (ҳаводаги харакатни бошқариш) ва ҳаво ҳужумига қарши мудофаа органларига тақдим этиладиган муайян маълумотлар;

ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш органи — тегишли ҳолатларда ҳаводаги ҳаракатга диспетчерлик хизмати кўрсатиш органи, парвоз

ахборот маркази ёки ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишга тааллуқли маълумотларни тўплаш пунктини англатувчи умумий атама;

ҳаводаги ҳаракатни бошқариш органи — тегишли ҳолатларда район диспетчерлик маркази, учиб келиш диспетчерлик органи ёки аэрором диспетчерлик пункти, парвозларни бошқариш пункти, идоранинг кўмондонлик пункти ёки ҳаводаги ҳаракатни бошқариш функцияларини бажарувчи бошқа пунктни англатувчи умумий атама;

ҳаводаги ҳаракатни ташкил этиш — ҳаво кемаси эксплуатантини учб кетиш ва етиб келишнинг режалаштирилган вақтларига риоя этиши ҳамда минимал чекловларда ва ўрнатилган ҳавфсизлик даражаларини пасайтирган ҳолда энг маъқул парвоз профилларига амал қилишни таъминлаш;

тақиқланган ҳудуд — давлатнинг ҳудуди ёки ҳудудий сувлари устида белгиланган катталиқдаги ва чегараларида ҳаво кемаларининг маҳсус рухсатномалар олмасдан парвоз қилиши тақиқланган ҳаво ҳудуди. Тақиқланган ҳудудлар ҳаво ҳудудида муҳим давлат обьектлари, муҳим аҳамиятга эга комплексларни (атом электр станцияси, кимёвий жиҳатдан ҳавфли обьектлар, шунингдек, мамлакатнинг миллий ҳавфсизлиги нуқтаи назардан ўта муҳим бўлган бошқа обьектлар) ҳаво ҳудудидаги эҳтимолий ҳодисалар натижасида рўй берадиган заарли таъсир ва вайронагарчилклардан муҳофаза қилиш учун белгиланади;

ягона ҳаво ҳудуди — Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ёки ҳудудий сувлари устидаги ҳаво ҳудуди бўлиб, унинг доирасида Ўзбекистон Республикасининг барча авиация турлари ҳаво кемаларига парвозларни амалга ошириш учун рухсат берилган;

учадиган аппарат — атмосфера ёки космик макондаги парвозлар учун мўлжалланган қурилма;

учувчисиз учадиган аппарат — учувчисиз парвозни амалга оширадиган ёки тўлиқ бошқа жойдан масофадан туриб бошқариладиган ёхуд дастурлаштирилган ва парвозда тўлиқ мустақил бўлган ҳаво кемаси (самолёт моделлари бундан мустасно);

учувчисиз авиация тизими — ҳаво кемаси ва бортида учувчиси бўлмаган ҳолда фойдаланиладиган ҳаво кемаси билан боғлиқ элементлар;

Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудуди — Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди ва ҳудудий сувлари устидаги, фақат унинг юрисдикциясига кирувчи макон;

Ўзбекистон Республикаси чегараолди полосасининг ҳаво ҳудуди — қуруқлик ва сув устида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасига туташган кенглиги 25 км бўлган ҳаво ҳудуди;

Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланувчилар — ҳаво ҳудудидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, бошқа давлатларнинг корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият — ҳаво кемаларининг парвозлари, барча турдаги отишлар, ракета

учириш, портлатиш ишлари, ҳаво ҳудудида моддий объектларни кўтариш, ҳаракатлантириш ва тушириш билан боғлиқ фаолиятнинг бошқа турлари;

Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланиш учун талабнома — буюртманомада кўрсатилган фаолиятни таъминлаш учун зарур маълумотларни ўз ичига олган белгиланган намуна даги хужжат;

ҳаво кемаси — атмосферада ўзининг ҳаво билан ўзаро таъсири хисобига ушлаб турадиган ҳар қандай уладиган аппарат, ер (сув) юзасидан қайтган ҳаво билан ўзаро таъсир бундан мустасно (самолёт, вертолёт, учувчисиз уладиган аппарат, дирижабль, ҳаво шари ва бошқалар);

ҳавфли ҳудуд — ҳудудида маълум вақт давомида ҳаво кемалари парвози учун хавф туғдирувчи фаолият олиб борилиши мумкин бўлган белгиланган ўлчамлардаги ҳаво кенглиги;

ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими — идораларо комиссия ва Ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими марказларидан ташкил топган, Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудидан фойдаланиш тартибига риоя этилишини ташкил этиш, режалаштириш, мувофиқлаштириш ва мониторингини амалга ошириш учун мўлжалланган орган.

4. Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятга зарур эҳтиёт чораларига риоя этилганда, факат мазкур Низомга 1-иловага* мувофиқ рухсат бериш тартиботларидан ўтгач ҳамда Бош штабнинг ва Ҳаво ҳудудидан фойдаланиш бошқарувининг ягона тизими органларидан рухсат олгандан сўнг рухсат берилади. Ушбу фаолият мутлақо тақиқланиши ёхуд вақтинча режимлар ёки қисқа вақт давом этадиган чекловларни киритиш ўйли билан чекланиши мумкин.

Тақиқланган ёки ҳаво ҳудудидан фойдаланиш чекланган ҳудудларда ҳаво ҳудудидан фойдаланиш зарур бўлган ҳолатларда манфаатдор вазирлик, идора, муассаса, корхона ва ташкилотлар Бош штабга амалга ошириладиган парвозлар ва уларнинг давомийлиги тўғрисида хабар берган ҳолда, Бош штабдан махсус рухсатнома олишлари шарт, вазирликлар ва идораларга қарашли жойларда жойлашган объектлар бундан мустасно.

**2-боб. Аэросуратга олиш ишларини амалга оширишга
рухсат бериш тартиботларини ҳамда ушбу суратга олиш
материалларини назорат тариқасида кўриб чиқишини
ташкил этиш ва амалга ошириш**

**1-§. Аэросуратга олиш ишларини амалга ошириш учун
рухсат бериш тартиби**

5. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аэросуратга олиш ишларини бажариш учун қонунчиликда белгиланган тартибда Бош штабга мазкур Низомга 2-иловага* мувофиқ сўровнома тақдим қилади. Режалаштирилган аэросуратга олиш ишларидан келиб чиқиб, сўровномага қўйидагилар илова қилинади:

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

талаб қилинаётган ҳаво ҳудудининг чегараларини белгилаб берадиган парвозлар ҳудуди картограммаси илова қилинган ҳолда, ишларни амалга ошириш режалаштирилган ҳудудлар бўйича ахборот (жорий йил учун);

аэросуратга олиш, ҳавода кино суратга олиш, аэровизуал, шунингдек, маҳсус ва бошқа турдаги аэросуратга олиш ишларини амалга ошириш бўйича тўлиқ ва батафсил ахборот;

топографик ва бошқа маҳсус мақсадларда бажарилаётган майдонли суратга олиш хусусиятига эга аэросуратга олиш ишларининг йиғма картограммалари;

учувчисиз учадиган аппаратга ўрнатилган радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш (частота параметрлари) учун Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан берилган рухсатноманинг, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги томонидан учувчисиз учадиган аппаратдан фойдаланишга рухсат берилгани тўғрисидаги хulosанинг, учувчисиз учадиган аппарат оператори (учувчи) паспортининг нусхалари, шунингдек, парвозни таъминлаш учун бошқа ахборотлар;

аэросуратга олиш ишларини бажариш билан боғлиқ масалаларни Давлат ҳавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ҳавфсизлик хизмати билан келишиш бўйича хужжатларнинг нусхалари, агар ишлар чегарага туташ жойларда (ҳудудида) ёки улар томонидан қўриқланаётган объектларда (ҳудудида) режалаштирилаётган бўлса;

раҳбарият топширигининг нусхаси, агар аэросуратга олиш ишлари режимли объектларнинг ҳудудида режалаштирилаётган бўлса.

6. Сўровномалар аэросуратга олиш ишларини амалга ошириш учун рухсатномаларни беришнинг ҳисобини юритиш журналида рўйхатга олинади ҳамда Бош штаб хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи маҳсус комиссия (кейинги ўринларда — маҳсус комиссия) томонидан беш кун муддатда кўриб чиқлади.

Ариза берувчи томонидан тақдим қилинган материалларни кўриб чиқиш якунларига кўра далолатнома тузилиб, у маҳсус комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва Бош штаб бошлиғи томонидан тасдиқланади.

7. Маҳсус комиссиянинг хulosасига асосан Бош штаб томонидан мазкур Низомга З-иловага* мувофиқ маҳсус рухсатнома расмийлаштирилади ва белгилangan тартибда ариза берувчига юборилади.

2-§. Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартиби

8. Ариза берувчи ҳаво ҳудудидан фойдаланиш учун Ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими бош марказига сўровнома топширганда, Бош штаб томонидан берилган рухсатноманинг рақамини кўрсатиши шарт.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринbosари — Ҳаво

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хужумига қарши мудофаа қўшинлари ва ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони қабул қиласди, ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича парвозларни бажарувчи фуқаро ҳаво кемаларининг парвозлари бундан мустасно. Қабул қилинган қарор Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари ва ҳарбий-ҳаво кучлари штаби (Ҳаво худудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими бош маркази) орқали Ўзбекистон Республикаси ҳаво худудидан фойдаланувчиларга етказилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳаво худудидан фақат Ҳаво худудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизимининг тегишли органларидан рухсатнома олингандан сўнг фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳаво худудидан фойдаланиш учун буюртманомалар бериш ҳамда бу ҳақда тегишли органларни хабардор қилиш Ўзбекистон Республикасининг самовий худудидан фойдаланиш тўғрисидаги низом талбларига мувофиқ амалга оширилади.

10. Учувчисиз учадиган аппаратдан фойдаланиш, шу жумладан, хорижий давлат фуқароларининг ундан фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва давлат авиациясининг учувчисиз учадиган аппаратидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом талбларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда идоравий вазифаларни бажариш учун учувчисиз учадиган аппарат парвозларига фақат тегишли вазирлик ва идоралар томонидан қатъий белгиланган худудда ёки тегишли обьектлар устида ҳамда ҳаво кемаларининг муайян турлари учун ўрнатилган тартибда белгиланувчи ажратилган ҳаво худудида рухсат этилади.

3-§. Махсус комиссияни тайинлаш тартиби. Аэросуратга олиш материалларини назорат тариқасида кўриб чиқиш ва ариза берувчига қайтаришни ташкил этиш

11. Ҳаво кемаларидан фойдаланган ҳолда аэросуратга олиш ишларини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиботлари (ариза берувчиларнинг муружаатларини кўриб чиқиш ва келишиш), шунингдек, мазкур суратга олиш материалларини назорат тариқасида кўриб чиқишни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус комиссия Бош штаб бошлигининг буйруги билан тайинланади.

Махсус комиссиянинг ишига Бош штаб бошлифи томонидан тайинланадиган раис раҳбарлик қиласди.

Махсус комиссиянинг таркибига кўриб чиқилаётган материаллардан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий аппарати, Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари ва ҳарбий-ҳаво кучлари, Мудофаа вазирлиги Тоифаланган обьектларни қўриқлаш қўшинлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Миллий гвардия, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг тегишли мутахассислари уларнинг раҳбарлари тавсиясига кўра киритилади.

12. Махсус комиссия раисининг зиммасига қўйидаги вазифалар юкландади:

махсус комиссия таркиби томонидан аэросуратга олиш ишларини амалга ошириш учун буюртманомаларни кўриб чиқиш ва рухсат бериш тартиботларини ўрганиш (тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш);

ариза берувчидан (унинг вакилидан) аэросуратга олиш (фото-видео) материаллари ва космик суратга олиш материалларини белгиланган тартибда олиш;

суратга олинган материалларни махсус комиссия таркиби билан назорат тариқасида кўриб чиқиб, тасвиirlарда аэросуратга олиш материалларида кўрсатилиши керак бўлмаган режимли, ҳарбий объектлар, қурол-аслача ва ҳарбий техниканинг бор-йўқлигини аниқлаш ҳамда бундай тасвиirlарни ретуш қилишни (кесиб ташлашни) ташкил этиш;

тасвиirlарда кўрсатилиши керак бўлмаганлиги учун кесиб ташланган объектларни кўрсатиб ўтган ҳолда, аэросуратга олиш материалларини назорат тариқасида кўриб чиқиш далолатномасини тузиш;

ишлов берилган аэросуратга олиш (фото-видео) материаллари ҳамда космик суратга олиш материалларини ариза берувчига ўз вақтида қайтариш ва бошқалар.

13. Парвозлар ва муайян ҳудудни суратга олиш бўйича ишлар якунлангандан сўнг суратга олинган материал ёзилган электрон ахборот ташувчи мослама оператор ва ишлар раҳбари томонидан муҳрланиб, суратга олиш ишлари ўтказилган ҳудуд, сана ва вақт, шунингдек, суратга олинган материал ёзилган электрон ахборот ташувчи мослама муҳрланган муҳрнинг таърифи кўрсатилган ҳолда келгусида назорат тариқасида кўриб чиқишига тақдим қилинади. Электрон ахборот ташувчи мосламага ёзилган суратга олиш материалларининг асл нусха ва ишончли эканлиги учун жавобгарлик аэросуратга олиш бўйича ишларни амалга оширишган юридик шахсларнинг зиммасига юкландади.

14. Махсус комиссиянинг иши ариза берувчидан электрон ахборот ташувчисига ёзилган (TIFF(GEOTIFF), JPG, RGB ва бошқа форматларда) аэросуратга олиш материаллари ва космик суратга олиш материаллари олингандан сўнг ташкил этилади. Электрон ахборот ташувчилар электрон ахборот ташувчиларни қабул қилиш ва топшириш журналида қайд этилади.

Аэросуратга олиш материаллари ва космик суратга олиш материалларини назорат тариқасида кўриб чиқиш, уларга ишлов берувчига қайтариш улар олинган вақтдан бошлаб икки ҳафта (учувчисиз учадиган аппарат учун — икки кун) муддатда амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятларда (катта ёнғинлар, вайронагарчилик, сув тошқини ва бошқа табиий оғатларда) Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сўровномаси бўйича суратга олинган материаллар Бош штабнинг талабига кўра назорат тариқасида кўриб чиқилмасдан бериб юборилиши мумкин.

15. Махсус комиссиянинг иши давомида етказиб берилган материалларнинг сифати, суратга олиш ишларини ўтказишнинг санаси ва ҳудуди, уларни

аэросуратга олиш материалларида кўрсатилиши мумкин бўлмаган давлат ва режимли ҳарбий объектлар, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника тўғрисидаги ахборотнинг мавжудлиги ҳамда чегара ҳудудига туташ ҳудудидан узоклигига алоҳида эътибор қаратилади.

16. Махсус комиссия ишининг якунлари бўйича назорат тариқасида кўриб чиқиш далолатномаси тузилиб, Бош штаб бошлиғи томонидан тасдиқланади, бунда тасвирларда кўрсатилиши мумкин бўлмаган объектларнинг номи ҳамда суратга олинган материалнинг тавсифи бўйича хулоса кўрсатилади. Ариза берувчига (унинг вакилига) мазкур Низомга 4-иловага* мувофиқ аэросуратга олиш материалларидан фойдаланиш учун рухсатнома берилади.

17. Суратга олинган материалларни қайтариш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

суратга олинган материални назорат тариқасида кўриб чиқиш ва уларга ишлов бериш якунлангандан сўнг электрон ахборот ташувчи маҳсус комиссия раиси томонидан муҳрланиб, унинг упаковкасига сана ёзилади ва шахсий имзо қўйилади;

аэросуратга олиш материалларидан фойдаланишга рухсатнома Бош штаб бошлигининг имзоси билан берилади;

ариза берувчи назорат тариқасида кўриб чиқиш ишларнинг якунланганини тўғрисида хабардор қилинади ҳамда аэросуратга олинган материалларни қайтариш масаласи келишилади;

рухсатнома аэросуратга олиш натижалари ва электрон ахборот ташувчи билан биргаликда ариза берувчига канцелярия (хизмат иш юритиши бўлими) орқали ёки белгиланган тартибда почта орқали юборилади. Электрон ахборот ташувчининг топширилганлиги тегишли журналда ёзиб қўйилади.

4-§. Ўта муҳим аҳамиятга, ўта муҳим режимга эга саноат ва режимли ҳарбий объектлар ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси чегараолди полосасида (ҳудудида) аэросуратга олиш ишларини амалга ошириш тартиби

18. Ўта муҳим аҳамиятга, ўта муҳим режимга эга саноат ва режимли ҳарбий объектлар (кейинги ўринларда — режимли объектлар) ҳудудида аэросуратга олиш ишларини ушбу объектлар тасарруфида бўлган вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда, Бош штабнинг маҳсус қарорига биноан амалга оширилади. Режимли объектлар жойлашган ҳудудда ўқув, машқ ва рекогносцировка парвозларини ўткизиш тақиқланади.

19. Режимли объектлар ҳудудида аэросуратга олишни бажаришга рухсат олиш учун вазирлик ва идоралар, бирлашма, корхона, муассаса ва ташкилотлар Бош штабга тегишли сўровнома юборади. Бунда аэросуратга олиш учун сўровнома билан бир вақтда аэросуратга олиш ишларини бажаришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тегишли органларнинг асословчи хатлари ёки Раҳбарият топширифининг нусхаси мажбурий тартибда тақдим қилинади.

20. Аэросуратга олиш учун рухсатнома қўйидагича етказилади:

Бош штаб томонидан — ариза берувчигача;

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

режимли объектларнинг раҳбарияти томонидан — бўйсунувчи режимли қўшилма ва ҳарбий қисмларгача (муассасаларгача). Бунда зарур ҳолларда, режимли объектларни аэросуратга олиш ишларига тайёрлаш ва аэросуратга олишнинг тартиби бўйича кўрсатмалар берилади.

21. Аэросуратга олишни амалга ошириш бошлангунга қадар ишларнинг ижрочиси ҳисобланган ташкилотлар Бош штабнинг руҳсатномасида кўрсатилган давлат органлари билан аэросуратга олиш турлари, ҳудудларнинг чегараси ёки суратга олиш йўналишлари (топографик харита ёки йифма жадвалда), ишларни бошлиш ва якунлаш вақти, парвозлар вақти ва режими, суратга олиш материалларини назорат тариқасида кўриб чиқишга тақдим қилиш тартибини келишиб олади. Санаб ўтилган масалаларни келишиб олиш учун аэросуратга олиш ҳудудлари (йўналишлари) чизмасининг зарур миқдордаги нусхалари тақдим қилинади.

22. Режимли объектлар ҳудудида аэросуратга олиш, мазкур аэросуратга олиш материалларига ишлов бериш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг вазирлик, идора, корхона, муассаса ва ташкилотларида Махфийлик режимини таъминлаш бўйича йўриқномада белгиланган талабларга риоя этган ҳолда амалга оширилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган ишларни бажараётган шахслар махфий хужжатлар билан ишлаш ва махфий ишларни бажариш хуқуқини берувчи тегишли шаклдаги руҳсатномага эга бўлиши керак. Аэросуратга олиш материалларига улар назорат тариқасида кўриб чиқилгунга қадар «Махфий» грифи кўйилади.

23. Режимли объектлар ҳудудини аэросуратга олишнинг амалий нуқтаи назардан қўллаш учун яроқли барча материаллари (улар контакт босмасидан чиқарилгунга қадар) икки нусхадаги чизмалар билан назорат тариқасида кўриб чиқиш учун Бош штабга юборилади. Аэросуратга олиш материалларини назорат тариқасида кўриб чиқиш уларда махфий топографик харита ва планларда (тархларда) кўрсатилиши мумкин бўлмаган режимли ҳарбий объектлар акс этган тасвирларни топиш ва олиб ташлаш, шунингдек, уларда режимли ҳарбий объектлар, ўта муҳим ёки ўта муҳим аҳамиятга эга саноат объектларининг тасвирлари мавжуд бўлгани сабабли «Махфий» грифи остида фойдаланиш зарур бўлган материалларни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

24. Режимли объектлар ҳудудида аэросуратга олиш материалларини назорат тариқасида кўриб чиқиши амалга ошириш учун режимли бирлашма ва ҳарбий қисмларнинг (муассасаларнинг) вакиллари уларнинг раҳбарияти (кўмандонлиги) билан келишилган ҳолда, махсус комиссия таркибидағи ишларга жалб қилиниши мумкин. Алоҳида ҳолатларда аэросуратга олиш материаллари улардан режимли ҳарбий объектлар ва уларни камситувчи тасвирларни олиб ташлаш учун бевосита режимли қўшилмаларга (ҳарбий қисмларга) юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Президент давлат хавфсизлик хизмати бўлинмалари ҳар бир муайян ҳолатда аэросуратга олиш материалларини кўриб чиқиша ўз иштирокининг тартибини белгилайди, ҳарбийлашган вазирлик ва идораларнинг жанговар хизмат фаoliyatiга

тааллуқли материаллар бундан мустасно. Улар маҳсус комиссиянинг ишида қатнашиш учун ўзининг вакилини ажратади ёки ушбу комиссия таркибида ишлаш учун жалб қилиниши зарур бўлган режимли обьектларнинг вакиллари рўйхатини маълум қиласди ёхуд уларга тааллуқли қисмлари бўлган аэросуратга олиш материалларини бевосита Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Президент давлат хавфсизлик хизмати бўлинмаларидан сўраб олади.

Аэросуратга олиш материалларини назорат тариқасида кўриб чиқиш на-тижалари бўйича тегишли далолатнома тузилиб, у назорат тариқасида кўриб чиқишида қатнашган маҳсус комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзо-ланади. Далолатномада «Махфий» грифи остида фойдаланиш керак бўлган аник материаллар (кадрлар рақами ёки маҳсус суратга олиш турларининг йўналиши) кўрсатилади.

Режимли ҳарбий обьектларнинг тасвири ёки мазкур тасвиirlарнинг олиб ташланганлик излари, шунингдек, ўта муҳим аҳамиятга ёки ўта муҳим режимга эга саноат обьектларининг тасвиirlари мавжуд бўлган дастлабки ёки якуний аэросуратга олиш материаллари маҳфий ҳисобланади. Режимли обьектларнинг ҳудудига учеб кириш бўйича қолган материалларнинг маҳ-фийлик даражаси бошқарув ҳужжатларининг талабларига мувофиқ ушбу материалларнинг фойдаланувчилари томонидан белгиланади.

25. Тузилаётган топографик ва тематик хариталар ҳамда планларда ре-жимли обьектларнинг тасвири ёки мазкур тасвиirlарнинг олиб ташланганлик излари мавжуд бўлган участкалар белгиланган тартибга мувофиқ атрофдаги табиий жойга мослаб никобланади.

26. Табиий оғатлар таъсирига учраган обьектлар ва ҳудудларнинг аэро-суратга олиш ишлари табиий оғатларнинг (зилзила, тошқин, сел, кўчки ва бошқалар) таъсири натижаларини зудлик билан қайд қилиш ва уларни аэро-суратга олиш материаллари бўйича ўрганиш, шунингдек, табиий оғатларга қарши курашиб тадбирларини ишлаб чиқиш учун мўлжалланган бўлиб, ҳу-кумат комиссиясининг қарорига кўра амалга оширилади. Бунда ушбу суратга олиш материаллари назорат тариқасида кўриб чиқилмасдан ишлар давомида қўлланиши мумкин.

27. Алоҳида (фавқулодда) ҳолатларда жанговар-хизмат вазифаларини ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Президент давлат хавфсизлик хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Миллий гвардия бўлинмаларининг учувчисиз учадиган аппарат-ларининг парвозлари Бош штаб ҳамда Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қў-шинлари ва ҳарбий-ҳаво кучлари тегишли бўлинмаларини хабардор қилган ҳолда, аэросуратга олиш материалларини Бош штабга тақдим қилмай амалга оширилиши мумкин. Бунда Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари ва ҳарбий-ҳаво кучлари бўлинмаларига тегишли буюртманомаларни тақдим қи-лиш билан ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг белгиланган талабларига амал қилиш, шунингдек, учувчисиз учадиган аппаратларни ва суратга олиш мате-

риалларидан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари зиммасига юкланди.

3-боб. Ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш ва назорат

28. Ариза берувчи аэросуратга олиш бошланишидан аввал ҳудудида ишлар амалга ошириладиган режимли объектлар (ушбу объектларни кўриқлаш бўлинмалари) раҳбариятини хабардор қиласи ва ушбу ишларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни (топографик харитада (йифма жадвалда) аэросуратга олиш ҳудудининг чегараларини), ишларни бошлаш муддати ва вақти, парвозлар режими, текшириш учун аэросуратга олиш материалларини тақдим этиш тартиби ва бошқаларни келишади.

Аэросуратга олиш материалларидан фойдаланиш учун руҳсатнома берган маҳсус комиссия билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш мақсадида ариза берувчи томонидан лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотлари ҳамда телефон рақамини кўрсатган ҳолда оператор ва парвозларни ташкил этувчи шахснинг шахсий маълумотлари тақдим қилинади.

Ҳаво ҳудудидан фойдаланиш руҳсатномаларини беришга масъул ҳисобланган Ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими органлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш учун ариза берувчи (унинг вакили) Ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизими ҳудудий марказларига парвозларни ўтказиш учун буюртманома билан биргаликда захира алоқа каналларини ҳисобга олган ҳолда алоқа телефонларини ҳам тақдим қиласи.

29. Ҳаво ҳудудидан фойдаланиш тартибига амал қилинишини назорат қилиш Ҳаво хужумига қарши мудофаа қўшинлари ва ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондонлиги зиммасига юкланди.

Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвозларни бажариши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги томонидан амалга оширилади.

Учувчисиз учадиган аппаратдан мақсадли фойдаланиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги органлари томонидан амалга оширилади.

4-боб. Якунловчи қоида

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 15 ноябрдаги 658-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг ҳаво
худудида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни
тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 12 майдаги
150-сон қарорига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қўйидаги тахирда баён қилинсин:

«1. Истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ва Давлат хавфсизлик хизмати, «ЎзГАШК-ЛИТИ» давлат унитар корхонаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигига идоравий вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига учувчисиз учадиган аппаратларни (уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини) сотиб олиш, олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланишга руҳсат берилсин.».

2. 4-банд чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 15 ноябрдаги 658-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланабоётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида учувчисиз учиш қурилмаларидан санкциясиз фойдаланишда огоҳлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 26 ноябрдаги 322-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 48-сон, 2016 й., 19-сон).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 31 августдаги 287-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 36-сон).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт тармоқларида фуқаро авиациясининг учувчисиз учиш қурилмаларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 29 марта ПҚ-3639-сон қарори)» 2018 йил 15 августдаги 663-сон қарорига илованинг 2-банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ
ҚАРОРИ**

**434 Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий
объектларга етказилган зарарни ҳисоблаш тартибини та-
комиллаштириш тўғрисида***

Норуда фойдали қазилмалардан оқилона ва комплекс фойдаланишини йўлга қўйиш, уларни қазиб олишда атроф табиий муҳитга салбий таъсирни ҳамда техноген ҳосилаларнинг ҳосил бўлишини камайтириш, тупроқнинг унумдорлигини сақлаш, бузилган ер участкаларини рекультивация қилиш, шунингдек, норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий объективларга етказилган зарарни қоплаш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-76-сон қарори билан тасдиқланган Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасини ҳамда экологик назорат тизимини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси»да норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий объективларга етказилган зарарни ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш вазифаси белгилангандиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий объективларга етказилган зарарни ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий объективларга етказилган зарарни аниқлаш тартиби;

норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда кенг тарқалган фойдали қазилмаларга етказилган зарарни ҳисоблаш усувлари;

норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда ифлослантирувчи моддаларнинг сув объективларига ва (ёки) жойларнинг рельефига оқизиб юборилиши оқибатида етказилган зарарни ҳисоблаш усувлари;

норуда материалларни ноқонуний қазиб олиш оқибатида табиий объективларга етказилган зарарни қоплаш ва ундириш тартиби.

3. Белгилансинки:

а) норуда материалларни ноқонуний қазиб олиш оқибатида табиий объективларга етказилган зарар миқдорини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда амалга оширилади;

б) зарарни қоплашдан тушган пул маблағлари қўйидаги тартибда тақсимланади:

40 фоизи — республика бюджетига;

40 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлик ишларни амалга ошириш жамғармасига;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси:

норуда материалларни ноқонуний қазиб олиш ва унинг оқибатида табиий обьектларга зарар етказилишининг олдини олиш бўйича профилактик ва назорат тадбирларини кучайтиrsин;

икки ой муддатда ўzlари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиrsin;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, шунингдек, бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ер қаъридан фойдаланувчилар ўртасида ушбу қарорнинг мазмун ва моҳияти бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб борсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ўналтирилаётган давлат божлари, ўигимлар ва солик бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар микдорларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсан.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат экология қўмитаси раиси Н.Н. Обломурадов белгилансин.

Мазкур қарорни амалга ошириш доирасида масъул вазирликлар ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш Бош вазирнинг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 23 ноябрь,
666-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 23 ноябрдаги 666-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий
объектларга етказилган зарарни ҳисоблаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий объективларга етказилган зарарни ҳисоблаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи маҳсус ваколатли органлар — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси;

ер қаъри — ер қобибининг тупроқ қатламидан қўйида жойлашган, тупроқ қатлами бўлмагандан эса ер юзасидан ёки сув объективлари тубидан қўйида жойлашган, геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлган чуқурликкача ястанган қисми;

ер қаъридан фойдаланувчи — норуда материалларни қазиб олиш ва фойдаланиш (қайта ишлаш)ни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахс;

кенг тарқалган фойдалари қазилманинг бозор нархи — таққосланидиган иқтисодий (тижорат) шароитларда айнан ўхшаш ёки бир турдаги товарлар (хизматлар) бозорида талаб ва таклиф асосида шаклланадиган ёки ваколатли органлар ва баҳолаш ташкилотлари томонидан аниқланадиган ва белгиланадиган нарх;

норуда фойдалари қазилмалар — таркибида металл бўлмаган табиий ҳолича, тозалаб ёки қайта ишлаб олинадиган ҳамда кимё, цемент, ойна, оловбардош ва чинни буюмлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида фойдаланиш учун яроқли бўлган хом ашё;

норуда материаллар — таркибида металл бўлмаган, очиқ ёки карьер усулида қазиб олинадиган табиий ҳолича, тозалаб ёки қайта ишлаб қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун яроқли бўлган (қум, шағал, қум-шағал аралашмаси, мармар, гранит, гил ва гилли жинслар, табиий тош, оҳактош, гипс, мергель) норуда фойдалари қазилмалар хом ашёси;

табиий объектлар — кенг тарқалган фойдалари қазилмалар жойлашган участкалар, сув объективлари ва жойларнинг рельефи.

3. Мазкур Низом талблари стратегик турдаги (асосий) фойдалари қазилмаларни ва қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида ноқонуний қазиб олишда ҳамда техноген минерал ҳосилалардан фойдаланишда етказилган зарарни ҳисоблашга нисбатан татбиқ этилмайди.

4. Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий объективларга

етказилган зарарни хисоблаш ушбу Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Норуда материаллар ноконуний қазиб олинганлиги
оқибатида табиий объектларга етказилган зарарни аниқлаш
тартиби**

5. Қуйидаги ҳолатлар норуда материалларни ноконуний қазиб олиш ҳисобланади:

норуда материаллар мавжуд ер қаъри участкасидан рухсатнома олмасдан туреби фойдаланиш;

норуда материаллар учун берилган кон ажратмасидан ва белгиланган тартибда ажратилган ер участкалари доирасидан четга чиқиш.

6. Норуда материалларни ноконуний қазиб олиш оқибатида табиий объектларга зарар етказилганлиги қонунчилик ҳужжатлари талабарининг қуйидаги бузилиши ҳолатларидан келиб чиқиб аниқланади:

кондан норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига оид рухсатномада кўрсатилган мақсадларда фойдаланмаслик;

норуда материалларни қазишиш ишларини лойиҳадан ва (ёки) фойдаланишга берилган ер қаъри участкасининг майдони ва (ёки) чуқурлигидан четга чиққан ҳолда амалга ошириш;

рухсатномада кўрсатилмаган кон участкаларда кон қазишиш ишларини ўзбошимчалик билан амалга ошириш, карьер майдонлари чегараларида норуда материалларни қазиб олишнинг белгиланган муддатларига амал қилмаганилик;

ер участкаларида қазишиш ишларини амалга оширишдан аввал, фойдали қазилма устида жойлашган ерларнинг тупроқ унумдор қатламини сидириб олиш ва алоҳида жойлаштириш ҳамда бузилган ер участкаларини қайта тиклаш (рекультивация қилиш) да фойдаланмаганилик;

ер қаъридан фойдаланиш рухсатномаси муддатлари тугаганда ёки зарурит қолмаганда бузилган ер участкаларини ўз хисобидан фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаганилик;

фойдаланиб бўлинган ер участкаларини фойдаланишга берган органларга белгилаган тартибда топширганилик;

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш тартибига риоя этмаганилик.

7. Норуда материалларни ноконуний қазиб олишда табиий объектларга зарар етказганилик қўйидаги ҳолларда:

ер қаъри участкалари жойлашган ҳудудларда ҳамда норуда конлари жойлашган участкаларда рейдлар ўтказилганда;

норуда материалларни қазиб олиш учун берилган рухсатноманинг шартлари бузилган такдирда;

норуда конларидан фойдаланишни ўрганиш жараённида;

норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ажратилган ер қаъри

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

участкаси ёки унга туташ худудларда норуда материалларни, транспорт воситаларини ювиш оқибатида ҳосил бўлган оқова сувлар сув объектига ва (ёки) жойнинг рельефига оқизиб юборилганда;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган текширишларни олиб бориш жараёнида ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи маҳсус ваколатли органлар томонидан аниқланади.

Норуда материалларни ноқонуний қазиб олиш оқибатида табиий объексларга етказилган зарар миқдори, тегишлича ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи маҳсус ваколатли органлар томонидан ҳисобланади.

8. Маҳсус ваколатли органлар зарурат бўлганда етказилган ҳақиқий зарарни аниқлаш учун ихтисослашган ташкилотларни, илмий-тадқиқот ташкилотларини, қонунчиликда белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган ёки техник жиҳатдан мувофиқлиги маъқулланган ёхуд малакалангандиги расман тасдиқланган бошқа ташкилотларнинг лабораторияларини, шунингдек, малақали эксперталарни жалб этиши мумкин.

3-боб. Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий объексларга етказилган зарарни ҳисоблаш усуслари

1-§. Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда кенг тарқалган фойдали қазилмаларга етказилган зарарни ҳисоблаш

9. Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда кенг тарқалган фойдали қазилмаларга етказилган зарар:

ноқонуний амалга оширилган фаолият турининг атроф-мухитга таъсир кўрсатишининг хавфлилик даражаси;

ноқонуний қазиб олинган норуда материаллар ҳажми;

кенг тарқалган фойдали қазилмаларнинг бозор нархи асосида ҳисобланади.

Бунда кенг тарқалган фойдали қазилмаларнинг бозор нархи товар-хом ашё биржаларидаги жорий котировкаси, тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар ва баҳоловчи ташкилотлар ҳисоботи асосида аниқланади.

10. Кенг тарқалган фойдали қазилмаларга етказилган зарарнинг миқдори ноқонуний равишда норуда материалларни қазиб олиш жараёни юзага келган пайтдан бошлаб, у бартараф этилгунга қадар ўтган давр учун ҳисобланади.

11. Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда кенг тарқалган фойдали қазилмаларга етказилган зарарнинг миқдори фойдали қазилманинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Бунда ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи маҳсус ваколатли орган томонидан етказилган зарарнинг миқдори, норуда фойдали қазилманинг тури

ҳамда ер қаъридан фойдаланувчи тўғрисида уч кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ёзма маълумот берилади.

12. Норуда материалларни ноқонуний қазиб олиш оқибатида кенг тарқалган фойдали қазилмаларга етказилган зарарнинг миқдори қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Уз = Км \times Нbn \times Шк,$$

бунда:

Уз — норуда материалларни ноқонуний қазиб олиш оқибатида кенг тарқалган фойдали қазилмаларга етказилган зарар миқдори, сўмда;

Км — ноқонуний қазиб олинган кенг тарқалган фойдали қазилма ҳажми, метр кубда (m^3);

Нбн — ноқонуний қазиб олинган кенг тарқалган фойдали қазилманинг бозор нархи, сўмда;

Шк — шартли коэффициент.

Бунда Шк ноқонуний амалга оширилган фаолият турининг атроф-мухитга таъсир кўрсатишининг хавфлилик даражаси бўйича тегишли тоифага мансублигидан келиб чиқсан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг «Атроф-мухитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорига мувофиқ аниқланади. Шартли коэффициент:

хавфлилик даражаси бўйича атроф-мухитга таъсир кўрсатишининг I тоифасига мансуб (юқори даражада хавфли) фаолият тури учун 20 коэффициенти қўлланилади;

хавфлилик даражаси бўйича атроф-мухитга таъсир кўрсатишининг II тоифасига мансуб (ўртача даражада хавфли) фаолият тури учун 10 коэффициенти қўлланилади.

13. Кенг тарқалган фойдали қазилма ер участкалари устида жойлашган ерларнинг тупрок унумдор қатламини сидириб олиш ва алоҳида жойлаштириш ва бузилган ер участкаларини рекультивация қилиш (қайта тиклаш) ишларини амалга оширганлик учун етказилган зарарни ҳисоблаш ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Қазиб олинган кенг тарқалган фойдали қазилманинг ҳажми кон ишларини геология-маркшайдерлик таъминлаш ишларини олиб борадиган ташкилотларни жалб қилган ҳолда ўлчовлар ўткизиш ўйли билан аниқланади.

15. Жисмоний шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун берилган ер участкалари доирасида шахсий хўжалик ва майший эҳтиёжлар учун кенг тарқалган фойдали қазилмалар қазиб олинганда ҳамда фойдаланилганда зарар ҳисобланмайди.

2-§. Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда ифлослантирувчи моддаларнинг сув обьектларига ва жойларнинг рельефига оқизиб юборилиши оқибатида етказилган зарарни ҳисоблаш

16. Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда сув обьектларига

(жилгалар, сойлар, дарёлар, очик каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари) ва жойларнинг рельефига оқизиб юборилган оқова сувларнинг сифат кўрсаткичларига, сув объексларини санитария жиҳатдан муҳофаза қилиш талабларига асосан сув объектига ва (ёки) жойнинг рельефига ташланган оқова сувлар таркибидаги ифлослантирувчи моддаларнинг ҳақиқий кўрсаткичларига нисбатан қўйилади.

17. Ифлослантирувчи моддаларнинг сув объектига ва (ёки) жойнинг рельефига оқизиб юборилиши оқибатида етказилган заарни ҳисоблаш қазишиш ишлари олиб борилаётган кон худудидан сув объектига ва (ёки) жойнинг рельефига ташланадиган оқова сувдан олинган намуналарда кимёвий таҳлиллар асосида аниқланган сув таркибидаги заарли моддаларнинг аниқланган ҳақиқий миқдори бўйича амалга оширилади.

18. Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда сув объектига ва (ёки) жойнинг рельефига оқова сувларнинг оқизиб юборилиши оқибатида етказилган заарнинг миқдори корхона, ташкилот ёки тадбиркорлик субъектининг атроф-муҳитга таъсир кўрсатиши хавфлилик даражаси бўйича тегишли тоифага мансублиги ҳамда ташланган заарли моддаларнинг ҳақиқий миқдорига боғлиқ.

19. Ифлослантирувчи моддаларнинг сув объектига ва (ёки) жойнинг рельефига оқизиб юборилиши оқибатида етказилган заарнинг миқдори ҳар бир ифлослантирувчи модда учун алоҳида ҳисобланади.

20. Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда сув объектига ва (ёки) жойнинг рельефига оқова сувларнинг оқизиб юборилиши оқибатида етказилган заарнинг миқдори қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

Сз= Зм x БҲМ x Шк,

бунда:

Сз — сув объектига ва (ёки) жойнинг рельефига оқова сувларнинг оқизиб юборилиши оқибатида етказилган заарнинг миқдори, сўмда;

Зм — сув объектига ва (ёки) жойнинг рельефига оқова сув таркибида ташланган заарли моддаларнинг ҳақиқий миқдори (кг, тоннада);

БҲМ — Ўзбекистон Республикаси худудида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдори;

Шк — шартли коэффициент.

Бунда Шк ноқонуний амалга оширилган фаолият турининг атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг хавфлилик даражаси бўйича тегишли тоифага мансублигидан келиб чиқсан ҳолда Вазирлар Махкамасининг «Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорига мувофиқ аниқланади. Шартли коэффициент:

хавфлилик даражаси бўйича атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I тоифасига мансуб (юқори даражада хавфли) фаолият тури учун 20 коэффициенти қўлланилади;

хавфлилик даражаси бўйича атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг II тоифасига мансуб (ўртача даражада хавфли) фаолият тури учун 10 коэффициенти қўлланилади.

21. Сув объектига ва (ёки) жойнинг рельефига оқова сув таркибида ташланган заарли моддаларнинг ҳақиқий миқдори (3м) кўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Зм = Тo \times Mk \times Dt,$$

бунда:

То — кузатиш вақти давомида сув объектига ва (ёки) жойнинг рельефи га ташланаётган оқова сув ҳажми (метр кубда);

Mk — аналитик усулда таҳлиллар асосида оқова сувдан олинган намуналарда аниқланган 1 литр сув миқдори таркибидаги заарли моддаларнинг ҳақиқий миқдори (мг/литр);

Dt — оқова сув ташламаси давом этган вақт (соат, сутка).

22. Сув объектига ва (ёки) жойнинг рельефига оқова сув бир соат ёки сутка ёхуд йил давомида ташланаётганлиги аниқланган ҳолатларда бир суткада ташланган заарли моддалар миқдори тегишли кунлар сонига кўпайтирилади.

4-боб. Норуда материалларни ноқонуний қазиб олиш оқибатида табиий объектларга етказилган зарарни қоплаш ва ундириш тартиби

23. Норуда материалларини ноқонуний қазиб олиш оқибатида ҳисобланган табиий объектларга зарар миқдори бўйича ҳисоб-китоблар нусхаси уч кун ичida ҳуқукбузарлик содир этган ер қаъридан фойдаланувчига тилхат билан топширилади ёки жўнатилади ва ишга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

24. Норуда материалларни ноқонуний қазиб олиш оқибатида табиий объектларга етказилган зарар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибида зарарни етказган ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши шарт.

25. Норуда материалларни ноқонуний қазиб олиш оқибатида табиий объектларга етказилган зарар суд томонидан қўлланилади, ер қаъридан фойдаланувчилар айбига иқрор бўлган ва зарарни ихтиёрий равишда тўлаган ҳолатлар бундан мустасно.

26. Ҳисобланган зарарни қўллашдан тушган пул маблағлари Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармасининг маҳсус ҳисобварағига ўтказилади.

5-боб. Якунловчи қоида

27. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

435 Статистика маълумотларини тақдим этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Расмий статистика тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон Фармонига мувофиқ статистика маълумотларини тақдим этиш хизматининг давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали кўрсатилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Статистика маълумотларини тақдим этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансан:

Давлат хизматларини кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

Давлат статистика қўмитаси томонидан статистика маълумотларини тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тизимини тартибга солиши;

тегишли маълумотларни олиш учун давлат хизматлари марказида ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда сўровнома тўлдириш, зарур маълумотларнинг хусусиятларини ахборот тизимида белгилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига юбориш тартиби;

талаб этилган маълумотларни тўлов амалга оширилгандан сўнг мурожаатчига тақдим этиш тартиби.

3. Давлат статистика қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

мазкур қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизматларининг ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

давлат хизматини кўрсатиш учун йиғимларнинг давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси хисобини юритувчи ягона биллинг тизими орқали электрон шаклда тўланишини таъминласин.

4. Адлия вазирлиги:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 ноябрда эълон қилинган.

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартибига риоя этилиши бўйича уларнинг фаолияти юзасидан, жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган давлат хизматлари кўрсатиш бўйича маъмурий регламентнинг талаблари бузилган холларда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазоларни қўлласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 24 ноябрь,
672-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 24 ноябрдаги 672-сон карорига
ИЛОВА

**Статистика маълумотларини тақдим этиш бўйича
давлат хизматларини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталаи (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали Давлат статистика қўмитаси томонидан (кейинги ўринларда — ваколатли орган) статистика маълумотларини тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизматини кўрсатиш мурожаатчи талабига асосан Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ҳолатини акс эттирувчи расмий статистика соҳасидаги статистика дастурларига мувофиқ тайёрланадиган йиғма статистика маълумотларини тақдим этиш шаклида амалга оширилади.

3. Ушбу Регламентда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
статистика маълумотлари — статистика кузатувлари натижасида ва (ёки) маъмурий маълумотлар асосида тайёрланган иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик хусусиятга ҳамда бошқа хусусиятга эга ахборот;

расмий статистика — Ўзбекистон Республикасининг «Расмий статистика тўғрисида»ги Конуни қоидаларига мувофиқ давлат статистика органла-

ри ва расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари томонидан тайёрланадиган ҳамда тарқатиладиган статистика маълумотлари;

индивидуал маълумотлар — статистик бирликни тавсифловчи, уни бевосита ёки билвосита идентификациялаш имконини берувчи бирламчи маълумотлар;

йифма статистика маълумотлари — статистик бирликни бевосита ёки билвосита идентификациялаш имконини бермайдиган, индивидуал ва/ёки бирламчи маълумотлар асосида умумлаштирилган статистика маълумотлари;

мурожаатчи — статистика маълумотларини олиш учун мурожаат этган жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг қонуний вакиллари.

4. Мурожаатчи мазкур давлат хизмати доирасида статистика дастури ва статистика фаолиятида юритиладиган статистик таснифлар асосида шакллантириладиган статистика маълумотлари, шунингдек очиқ манбаларда эълон қилинадиган маълумотларни олиш имкониятига эга.

5. Статистика маълумотларини тақдим этиш бўйича давлат хизмати ушбу Регламентга 1-иловадаги* схемага мувофиқ кўрсатилади.

2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

6. Мурожаатчи давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

7. Мурожаатчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, давлат хизматлари марказлари ходими мурожаатчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мазкур Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда мустақил тўлдиради.

8. Сўровномага зарур маълумотлар киритилгандан сўнг, мурожаатчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг замонавий воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Мурожаатчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда — ЭРИ) билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

9. Сўровнома ваколатли органга келиб тушгандан сўнг, сўралаётган маълумотнинг мавжудлиги ва унинг ҳисобланган қиймати тўғрисида икки иш кунидан ошмаган муддатда мурожаатчининг шахсий кабинетига ва/ёки Давлат хизматлари маркази унинг мобил телефон рақамига СМС хабарнома юборади.

10. Мурожаатчи ўз хоҳишига кўра, сўровнома асосида шакллантирилган маълумотлар ҳажми билан танишиб чиқиб, тегишли электрон тўлов тизими орқали ҳисобланган йифим суммасини тўлайди ёки хизматдан фойдаланишини рад этади.

11. Давлат хизмати доирасида сўровномага асосан тақдим этиладиган ҳар

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бир статистик маълумотни шакллантириш учун базавий хисоблаш миқдори-нинг 0,08 фоизи миқдорида, ЯИДХП орқали мурожаат этганда эса — ушбу сумманинг 90 фоизи миқдорида йифим ундирилади ва бунда кўрсаткичнинг мавжуд кесимлари асосида тайёрланган ҳар бир бирлик кўрсаткич алоҳида хисобланади.

12. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари марказлари ва (ёки) ЯИДХП орқали давлат хизмати кўрсатишда ундириладиган йифим бўйича 50 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади (тад-биркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно).

13. Статистика маълумотларини тақдим этиш хизмати кўрсатилганли-ги учун тўланган суммани тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

14. Йифим суммаси қўйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хиз-матларини ривожлантириш жамғармаси шахсий хисобварафига;

0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хузури-даги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассаса-сининг Молия вазирлиги Фазначилигидаги махсус ҳисоб рақамига;

қолган маблағлар — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўми-тасининг хисобварафига ўтказилади.

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хиз-матларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна хисобварафига;

11,75 фоизи — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривож-лантириш вазирлиги хузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқа-риш маркази» давлат муассасасининг Молия вазирлиги Фазначилигидаги махсус ҳисоб рақамига (шу жумладан 0,5 фоизи — ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўми-тасининг хисобварафига ўтказилади.

15. Давлат статистика қўмитаси томонидан давлат хизмати тўлов амалга оширилгандан сўнг кўрсатилади ҳамда шакллантирилган статистика маълумотлари давлат хизматлари марказларига, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда мурожаатчига беш иш кунидан ошмаган муддатда QR-код (матрик штрихли код) билан тасдиқланган ҳолда Регламентга З-иловага* мувофиқ шаклда тақдим этилади.

16. Кўйидаги ҳолатлар давлат хизматини кўрсатишни рад этиш учун асос бўлиб хисобланади:

таркибида давлат сирлари ва қонунчилик билан қўриқланадиган бошқа сир бўлган, шунингдек индивидуал маълумотларни сўраш;

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шакллантирилиши статистика дастурида назарда тутилмаган ёки шакллантириш муддати ҳали келмаган статистика маълумотларини сўраш.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланиди.

17. Мурожаатчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Мурожаатчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади. Бунда давлат хизмати кўрсатилгани учун тўлов суммаси қайтарилмайди.

3-боб. Якунловчи қоидалар

18. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида вазирликлар, давлат қўмиталари, корхоналар, ташкилот ва муассасаларга белгиланган тартибида ва статистика дастурида белгиланган муддатларда тақдим этиладиган статистика маълумотларига, шунингдек ваколатли органга бевосита ёки бошқа манбалар орқали келган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

19. Маъмурий маълумотларни тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотлари тақдим этилаётган статистика маълумотларининг ишончлилиги, ҳаққонийлиги ва долзарблигини таъминлайдилар.

Олинган маълумотларда номувофиқликлар аниқланган ҳолларда, мурожаатчи уларга аниқлик киритиш мақсадида Давлат статистика қўмитасига белгиланган тартибида мурожаат қилиши мумкин.

Мурожаатчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-харакатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилишлари мумкин.

20. Давлат хизмати доирасида олинган статистика маълумотларини тарқатишида (қайта чоп этишда) маълумот олинган манбага мажбурий тартибида ҳавола берилиши шарт.

21. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган давлат органининг мансабдор шахслари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибида жавобгар бўладилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУГИ

436 «Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
17 ноябрда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 2434-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 сентябрдаги 507-сон «Шаҳар йўловчилар транспортида айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАҲКАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 10 ноябрь,
18-сон

Келишиилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2022 йил 7 ноябрь

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

2022 йил 22 октябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Н. ХУСАНОВ

2022 йил 21 октябрь

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2022 йил 10 ноябрдаги
18-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-
хуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2013 йил 29 январдаги 2-сон «Шахар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш хуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2434, 2013 йил 4 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 10-сон, 131-модда).

2. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2017 йил 7 февралдаги 57-сон «Шахар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш хуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2434-1, 2017 йил 15 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 7-сон, 103-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОФЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

437 Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидалариға ўзгартиришлар кириши ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1737-2

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-685-сон «Санитария-эпидемиология хизмати такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиришлар кириши тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизими ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2021 йил 2 июняғи ПФ-6240-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2020 йил 27 июлдаги ПҚ-4790-сон «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги қарор қиласи:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 8 октябрдаги 12, 16-сон қарори (рўйхат рақами 1737, 2007 йил 8 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 45-сон, 462-модда) билан тасдиқланган Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидалариға иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 11 ноябрь,
26-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

Ички ишлар вазири**П. БОБОЖНОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 3 ноябрь,
59-ққ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил
11 ноябрдаги 26-сон ва Ички ишлар
вазирлигининг 2022 йил 3 ноябрдаги
59-ққ-сон қарорига
ИЛОВА

**Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган
шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 59-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.
2. 64-бандан «ва озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган республика-
даги мавжуд санитария қоида ва меъёрлари талабларига асосан мувофиқлик
сертификати» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
3. 84-банддаги «санитария-эпидемиология назорати маркази» деган
сўзлар «санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар билан алмашти-
рilsin.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

438 «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқка ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-7*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 89-сон «Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 28 сентябрдаги 540-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тартибларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 234-мҳ-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2397, 2012 йил 23 октябр) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 43-сон, 501-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 22 ноябрь,
25-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 22 ноябрдаги
25-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва
уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги
буйруқка киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-иловада:

- а) 1-банддаги «икки» деган сўз «бир» деган сўз билан алмаштирилсин.
- б) 34-банднинг олтинчи ва еттинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«эр (хотин)нинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳолати ФХДЁ ор-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

ганида қайд қилинганлиги ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан берилган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотнома.

Шунингдек, мазкур қаторда никоҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақидаги гувоҳномалар қайд этилган ёки ўлим ҳолати ФҲДЁ органида қайд қилинганлиги ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан берилган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотнома берилган сана, далолатнома ёзуви нинг раҳами ва қайси ФҲДЁ органида рўйхатга олинганлиги, суднинг қонуний кучга кирган қарори, унинг санаси ҳамда қайси суд томонидан чиқарилганлиги кўрсатилади.».

2. 2 — 5-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 10 ноябрдаги 18-сон «Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2434-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 11 ноябрдаги 26-сон ва Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 3 ноябрдаги 59-ққ-сон «Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1737-2.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 22 ноябрдаги 25-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-7.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2013 йил 29 январдаги 2-сон «Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2434, 2013 йил 4 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2434-1, 2017 йил 15 февраль).

2022 йил 17 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

